

**ТДИУ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

TOSHKENT DAVLAT
IQTISODIYOT UNIVERSITETI



TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF ECONOMICS



**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА**



ТОШКЕНТ-2021



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ
ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**СТАТИСТИКА
Йўналиши**

**«ИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКА»
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й
М А Ж М У А**

Тошкент 2021

Модулнинг ўқув услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи: ТДИУ катта ўқитувчиси М.Ш.Аҳмедова

Такризчилар: Б.Х.Маматқулов Тошкент Молия Институтини, и.ф.н.,
доцент.
З.Д.Хўжақулов Тошкент Молия Институтини, и.ф.н.,
доцент.

*Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодийёт университети Кенгашининг 2020
йил _____ даги ____-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----------|
| I. Ишчи дастур | 4 |
| II. Назарий материаллар..... | 13 |
| III. Амалий машғулот материаллари..... | 28 |
| IV. Кейслар банки | 35 |
| V. Мустақил таълим мавзулари..... | 59 |
| VI. Глоссарий | 61 |
| VII. Адабиётлар рўйхати..... | 69 |

І. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг кредитга доир таваккалчилик рейтингини охириги 10 йилда биринчи марта яхшиланди.

Энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чуқур таркибий ислохотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди”¹.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги уч йилда статистика тизимини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 31 июлдаги ПҚ-3165-сон ва «Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ-4273-сон қарорлари қабул қилинган.

Дастур 2017 йил 23 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган устувор йўналишлар ва вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //”Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521)

режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Иқтисодий статистика модулининг мақсад ва вазифалари:

- “Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Иқтисодий статистика курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- макроиқтисодий кўрсаткичларга доир статистик масалаларни ечишни;
- иқтисодийетни модернизация қилиш шароитини ўрганишда халқаро статистика амалиётида қўлланадиган асосий категориялар ва тушунчаларни ёритишни;
- ялпи ички маҳсулот дефлятори ва инфляция даражаларини ҳисоблашни;
- турли иқтисодий статистик маълумотларни таҳлил қилишни;
- иқтисодийетнинг инновацион тараққиётининг илмий-амалий асосларини билиши керак.

Тингловчи:

- ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, соф миллий даромад, ихтиёрдаги даромад – макроиқтисодий кўрсаткичларнинг моҳияти ва уларни ҳисоблаш;
- аҳоли, меҳнат ресурслари ва уларни сони, таркиби, ҳаракати кўрсаткичларини ҳисоблаш;
- меҳнат унумдорлиги ва унга таъсир этувчи омилларни статистик ўрганишни;
- иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилиш усулларини қўллаш;

- иқтисодий қонунларни, илмий тушунчаларни (категорияларни), иқтисодий муаммолар бўйича ечимлар қабул қилиш;
- ишсизлик, бандлик ва улар даражалари кўрсаткичлари ўрганиш;
- макроиқтисодий кўрсаткичлар асосида иқтисодий жараёнлардаги ўзгаришларни таҳлил қилиш орқали такомиллаштириш бўйича мустақил қарорлар қабул қилиш каби **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- иқтисодий статистиканинг предмети ва усули ўрганиш;
- меҳнат потенциални таърифловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш;
- меҳнат самарадорлиги, ишсизлар ва уларни меҳнатга жалб этиш йўллари ўрганиш;
- аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш;
- бозор инфраструктураси шаклланишини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини тузиш;
- макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимини тузиш тамойиллари, уларнинг тузилиши ва боғлиқлиги;
- макроиқтисодий масалаларни статистик ўрганиш;
- макроиқтисодий жараёнларни ифодалаш учун жаҳон статистика амалиётида қўлланадиган миллий ҳисоблар тизими ҳисобламаларини тузиш принциплари ва услубиятини ўрганиш;
- иқтисодий кўрсаткичларни прогнозлашда махсус статистик усуллардан фойдаланишга оид **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнларини тушунтириб бериш ҳамда иқтисодиёт соҳасида тайёрланаётган мутахассисларни ўқитиш жараёнига назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;
- статистик кўрсаткичларни тизимли равишда таҳлил қилиш ва уларни кенг жамоатчиликка тушунтириш;
- статистик таҳлиллар асосида тармоқлар ва корхоналарнинг ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш;
- макроиқтисодий кўрсаткичларнинг моҳияти ва уларни ҳисоблаш;
- аҳоли, меҳнат ресурслари ва уларни сони, таркиби, ҳаракати кўрсаткичларини ҳисоблаш;
- ишсизлик, бандлик ва улар даражалари кўрсаткичлари ўрганиш;
- миллий бойлик, унинг таркиби ва динамикаси ўрганиш;
- асосий фондлар, асосий капитал тушунчаларига эга бўлиш;
- асосий фондларни сони, таркиби, ҳаракати самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш;
- айланма фондлар ва улардан фойдаланиш,
- иш кучи, иш вақти, иш ҳақи кўрсаткичларини ҳисоблаш;

- инфляция даражаси, фоиз ставкалари;
- ЯИМ дефляторини ҳисоблаш;
- истеъмол ва жамғарма жараёнларини ифодаловчи макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимини баён этиш **компетенциясига** эга бўлиши зарур.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Иқтисодий статистика” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Миллий ҳисоблар тизими”, “Агробизнес статистикаси” ва “Рақамли иқтисодиёт” каби модуллар билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умуммутахассислик бўйича тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий эконометрик моделларни тузиш ва қўллашдаги муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш ҳамда оптимал қарорлар қабул қилиш ва прогнозлашга доир умуммутахассислик компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат | | | |
|------------------|------------------------------------|-----------------------------------|----------------|-----------|----------|
| | | Аудитория ўқув юкلامаси | | | |
| | | жами | жумладан | | |
| Назарий машғулот | Амалий машғулот | | Кўчма машғулот | | |
| 1 | Аҳоли статистикаси | 10 | 2 | 6 | 2 |
| 2 | Меҳнат бозори статистикаси | 8 | 2 | 6 | |
| 3 | Аҳоли турмуш даражаси статистикаси | 12 | 4 | 6 | 2 |
| | Жами: | 30 | 8 | 18 | 4 |

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Аҳоли статистикаси

Аҳоли сони ва таркибини статистик ўрганиш. Аҳолини жинси, миллати, оилавий ҳолати, маълумотли даражаси ва бошқа белгилар бўйича ўрганиш. Аҳолини табиий ва механик ҳаракати статистикаси. Аҳоли табиий ҳаракатини ифодаловчи абсолют ва нисбий кўрсаткичлар: туғилиши, вафот этиши, табиий ўсиши коэффициентлари. Аҳоли миграцияси турлари. Аҳоли миграциясининг абсолют ва нисбий кўрсаткичлари. Никоҳдан ўтиш ва ундан ўчиш кўрсаткичлари.

2-мавзу. Меҳнат бозори статистикаси

Иқтисодий фаол аҳоли тушунчаси. Унинг сони ва таркиби. Бандлилик ва ишсизлик статистикаси. Иқтисодий нофаол аҳоли тушунчаси. Унинг сони ва таркиби. Меҳнат ресурслари статистикаси. Меҳнат ресурслари сонини ҳисоблаш усуллари. Меҳнат ресурслари баланси. Унинг схемаси ва кўрсаткичлар тизими, уни таҳлил қилишнинг асосий йўналишлари. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг фаолият соҳаси, мулк шакли, хўжалик юритиш шакли ва мамлакат ҳудудлари бўйича тақсимланишини статистик ўрганиш. Корхона ва ташкилотлар ходимларини асосий ва асосий бўлмаган фаолиятлари бўйича тақсимланиши. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлардаги асосий ходимлар категориялари. Иқтисодиёт тармоқларида банд

бўлган ходимлар сони. Рўйхатдаги ва ишга келган ходимлар сони. Ўртача рўйхатдаги, ишга келган ва амалда ишлаган ходимлар сонини ҳисоблаш усуллари. Ишчи кучи ҳаракати статистикаси. Меҳнат ресурслари сони баланси. Ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишнинг асосий ва нисбий кўрсаткичлари. Иш кучининг кўнимсизлиги ва доимийлиги. Иш вақти фондларининг таркиби. Иш вақти баланслари. Иш вақти фондларидан фойдаланиш кўрсаткичлари. Иш даври ва иш кунининг ўртача узунлиги ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари. Умумий ишланган иш вақти ҳажмига таъсир этувчи омиллар. Иш жойларидан фойдаланиш кўрсаткичлари статистикаси. Сменалик коэффицие коэффициенти, сменалик режимдан фойдаланиш статистикаси. Иш жойи ва сменасидан тўлиқ фойдаланиш кўрсаткичи. Иш вақтини йўқотишлар.

3-мавзу. Аҳоли турмуш даражаси статистикаси

Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий индикаторлар тизими. Миллий ҳисоблар тизимидаги аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар. Ялпи мавжуд даромад ва уй хўжаликларнинг мавжуд тузатиш киритилган ялпи даромадлари, уй хўжаликларнинг охиригистеъмоли ва х.к. Уй хўжаликлари бюджетини статистик кузатиш. Аҳолининг пул даромадлари, пул харажатлари ва жамғармалари кўрсаткичлари. Уй хўжаликларнинг ялпи даромадлари тушунчаси, аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси. Номинал ва реал даромадлар. Аҳолининг сотиб олиш қобилияти, минимал яшаш даражаси ва камбағаллик чегараси. Хом-ашё бойликлар ва хизматлар ҳажми, таркиби ва истеъмол қилиш даражасини статистик ўрганиш. Истеъмолчи талабини таҳлили, эластиклик коэффициентини ҳисоблаш. Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи умумий кўрсаткичлар; жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми, турмуш қиймати индекси, ўртача умр кўриш даври, инсон қудратини ривожлантириш индекси. Ижтимоий инфратузилма статистикасининг кўрсаткичлари. Ижтимоий соҳа тармоқлари: таълим статистикаси, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш статистикаси, турмуш, дам олиш, жисмоний тарбия ва спорт, илм ва янгиликлар, аҳолини турар жой билан таъминлаш, турар жой ва коммунал хизматлар сифати, атроф муҳит статистикаси, табиий ресурсларидан фойдаланишни статистик кўрсаткичлари ва уларда қўлланадиган кўрсаткичлар тизими.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот.

Аҳоли статистикаси

Аҳоли сони ва таркибини статистик ўрганиш. Аҳолини жинси, миллати, оилавий ҳолати, маълумотли даражаси ва бошқа белгилар бўйича ўрганиш. Аҳолини табиий ва механик ҳаракати статистикаси. Аҳоли табиий ҳаракатини ифодаловчи абсолют ва нисбий кўрсаткичлар: туғилиши, вафот этиши, табиий ўсиши коэффициентлари. Аҳоли миграцияси турлари. Аҳоли миграциясининг абсолют ва нисбий кўрсаткичлари. Никоҳдан ўтиш ва ундан ўчиш кўрсаткичлари.

2-амалий машғулот.

Меҳнат бозори статистикаси.

Иқтисодий фаол аҳоли тушунчаси. Унинг сони ва таркиби. Бандлилик ва ишсизлик статистикаси. Иқтисодий нофаол аҳоли тушунчаси. Унинг сони ва таркиби. Меҳнат ресурслари статистикаси. Меҳнат ресурслари сонини ҳисоблаш усуллари. Меҳнат ресурслари баланси. Унинг схемаси ва кўрсаткичлар тизими, уни таҳлил қилишнинг асосий йўналишлари. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг фаолият соҳаси, мулк шакли, хўжалик юритиш шакли ва мамлакат ҳудудлари бўйича тақсимланишини статистик ўрганиш. Корхона ва ташкилотлар ходимларини асосий ва асосий бўлмаган фаолиятлари бўйича тақсимланиши. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлардаги асосий ходимлар категориялари. Иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган ходимлар сони. Рўйхатдаги ва ишга келган ходимлар сони. Ўртача рўйхатдаги, ишга келган ва амалда ишлаган ходимлар сонини ҳисоблаш усуллари. Ишчи кучи ҳаракати статистикаси. Меҳнат ресурслари сони баланси. Ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишнинг асосий ва нисбий кўрсаткичлари. Иш кучининг қўнимсизлиги ва доимийлиги. Иш вақти фондларининг таркиби. Иш вақти баланслари. Иш вақти фондларидан фойдаланиш кўрсаткичлари. Иш даври ва иш кунининг ўртача узунлиги ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари. Умумий ишланган иш вақти ҳажмига таъсир этувчи омиллар. Иш жойларидан фойдаланиш кўрсаткичлари статистикаси. Сменалик коэффициенти, сменалик режимдан фойдаланиш статистикаси. Иш жойи ва сменасидан тўлиқ фойдаланиш кўрсаткичи. Иш вақтини йўқотишлар.

3-амалий машғулот.

Аҳоли турмуш даражаси статистикаси.

Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий индикаторлар тизими. Миллий ҳисоблар тизимидаги аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар. Ялпи мавжуд даромад ва уй хўжаликларнинг мавжуд тузатиш киритилган ялпи даромадлари, уй хўжаликларнинг охириги истеъмоли ва х.к. Уй хўжаликлари бюджетини статистик кузатиш. Аҳолининг пул даромадлари, пул харажатлари ва жамғармалари кўрсаткичлари. Уй хўжаликларнинг ялпи даромадлари тушунчаси, аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси. Номинал ва реал даромадлар. Аҳолининг сотиб олиш

қобилияти, минимал яшаш даражаси ва камбағаллик чегараси. Хом-ашё бойликлар ва хизматлар ҳажми, таркиби ва истеъмол қилиш даражасини статистик ўрганиш. Истеъмолчи талабини таҳлили, эластиклик коэффициентини ҳисоблаш. Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи умумий кўрсаткичлар; жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми, турмуш қиймати индекси, ўртача умр кўриш даври, инсон қудратини ривожлантириш индекси. Ижтимоий инфратузилма статистикасининг кўрсаткичлари. Ижтимоий соҳа тармоқлари: таълим статистикаси, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш статистикаси, турмуш, дам олиш, жисмоний тарбия ва спорт, илм ва янгиликлар, аҳолини турар жой билан таъминлаш, турар жой ва коммунал хизматлар сифати, атроф муҳит статистикаси, табиий ресурсларидан фойдаланишни статистик кўрсаткичлари ва уларда қўлланадиган кўрсаткичлар тизими.

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Модулнинг ўқув режасида “Аҳоли статистикаси” ва “Аҳоли турмуш даражаси статистикаси” мавзуларида 4-соат кўчма машғулот режалаштирилган.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш;
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Аҳоли статистикаси (2 соат)

Режа

1. Аҳоли сони ва таркибини статистик ўрганиш.
2. Аҳолини жинси, миллати, оилавий ҳолати, маълумотли даражаси ва бошқа белгилар бўйича ўрганиш.
3. Аҳолини табиий ва механик ҳаракати статистикаси.
4. Аҳоли табиий ҳаракатини ифодаловчи абсолют ва нисбий кўрсаткичлар: туғилиши, вафот этиши, табиий ўсиши коэффициентлари.
5. Аҳоли миграцияси турлари. Аҳоли миграциясининг абсолют ва нисбий кўрсаткичлари.

1. Аҳоли сони ва таркибини статистик ўрганиш.

Статистиканинг энг муҳим бирламчи вазифаларидан бири аҳоли сонини ва унинг мамлакат ҳудудлари бўйича жойлашини ўрганишдан иборат. Юқорида айтилганидек, аҳоли сони ҳақидаги асосий маълумот манбаи бўлиб, аҳоли рўйхати ҳисобланади ва у аҳоли сонини маълум кун ёки маълум моментга (критик моментга) нисбатан ифодалайди. Рўйхатлар орасида маълум аҳоли пунктнинг аҳоли сони аввалги аҳоли рўйхати маълумотлари ва аҳолининг жорий ҳисоби, уларнинг табиий ва механик ҳаракати маълумотлари асосида ҳисоб-китоб қилиш йўли билан баланс схемаси бўйича аниқланади: йил охиридаги аҳоли сони = йил бошидаги аҳоли сони + йил давомида туғилганлар сони + келганлар сони - ўлганлар сони - йил давомида кўчиб келганлар сони.

$$A_1 = A_0 + T + K_{\text{ел}} - \check{Y} - K_{\text{ет}};$$

Аҳоли сонини ҳисобга олиш аҳоли яшайдиган пунктлар бўйича амалга оширилади ва у доим ўзгариб туради. Аҳоли ҳақидаги маълумот тенглаштирилган вақт – критик момент деб аталади.

Бунда доимий ва вақтинча яшайдиган аҳоли сонини бир-биридан ажратиш лозим.

2. Аҳолини жинси, миллати, оилавий ҳолати, маълумотли даражаси ва бошқа белгилар бўйича ўрганиш.

Доимий яшайдиган аҳолига - ҳисоб ўтказилган даврда қаерда бўлишидан қатъий назар шу аҳоли пунктида рўйхатдан ўтган ва яшайдиган шахслар киради.

Бу кўрсаткичларни тўлиқ ҳисобга олиш учун вақтинча йўқ бўлганлар ва вақтинча яшаётганлар каби кўрсаткичлар билан тўлдирилади.

Вақтинча яшаётганларга доимий яшаш жойи бошқа пунктда бўлиб, ҳисобга олинаётган вақтда шу пунктга келган шахслар (одатда 6 ойдан ошмаслиги керак) тушунилади.

Вақтинча йўқ бўлганлар доимий шу пунктда яшаб, лекин ҳисоб вақтида вақтинча (одатда 6 ойдан ошмаслиги керак) бошқа ҳудудга кетган шахслар

тушунилади. Лекин бу қоидадан баъзи бир чекланишларга йўл қўйилади. Масалан, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари амалда ўқув жойларидаги доимий аҳоли сонига қўшилади.

3. Аҳолини табиий ва механик ҳаракати статистикаси.

Аҳоли сонини туғилишлар ва вафот этишлар ҳисобига ўзгариши аҳолининг табиий ҳаракати деб аталади.

Аҳолининг табиий ҳаракати аввало мутлоқ кўрсаткичлар билан ифодаланади: туғилишлар сони – Т, вафот этганлар сони – ВЭ, табиий ўсиш сони – (Т-ВЭ). Шулар қаторига никоҳдан ўтганлар сони – НЎТ ва никоҳдан ўчганлар сони – НЎЧ кўрсаткичлари ҳам киради.

Аҳолининг туғилиши, вафот этиши ва табиий ўсиш даражаси ва ўзгариши кишилар ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларига боғлиқ. Бу кўрсаткичлар аввало маълум давр (масалан, бир йил) учун мутлоқ миқдорларда аниқланади ва шу жараёнлар ҳақида маълум фикр юритиш имкониятини берса ҳам, лекин улар бундай табиий ҳаракатларнинг интенсивлиги (тезлиги) даражасини ифодалаб бера олмайди, чунки мамлакатлар аҳолиси сони хар хил. Масалан, иккита мамлакатнинг ҳар бирида бир йилда 20 мингдан аҳоли туғилган бўлиб, у мамлакатларнинг ўртача йиллик аҳоли сони биринчисида 40,0 млн, иккинчисида 60 млн. кишига тенг. Туғилиш даражаси қайси мамлакатда юқори ёки паст эканини аниқлаш учун бу жараёнларнинг нисбий даражалари аниқланади. Бунинг учун туғилиш, вафот этиш ва табиий ўсиш абсолют сонини мамлакатнинг ўртача йиллик аҳоли сонига бўлиш керак. Статистикада бундай кўрсаткични ҳар бир минг кишига нисбатан (промилледа) ифодаланади.

4. Аҳоли табиий ҳаракатини ифодаловчи абсолют ва нисбий кўрсаткичлар: туғилиши, вафот этиши, табиий ўсиши коэффициентлари.

Бунда аҳолининг йил боши ва охиридаги икки хил сонини ҳисоблашдан мақсад, ҳар хил ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш ҳисобланади: уларга уй-жой, боғча-ясли, ўқув юртлари бинолари ва касалхоналарни қуришда ҳар бир аҳоли яшайдиган пунктнинг доимий аҳолиси сонидан, шаҳар транспортини тўхтовсиз ишлашини ва кунлик озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида мавжуд аҳоли сонидан келиб чиқиши керак. Ижтимоий-иқтисодий шароит аҳолининг ҳудудлар бўйича тарқалишини ва айрим ҳудуд ёки административ бирликлар бўйича сони ва зичлиги аниқланади. Зичлигини аниқлаш учун шу ҳудудда яшовчи аҳоли сонини ҳудуд кенглигига (км^2) бўлиб аниқланади.

5. Аҳоли миграцияси турлари. Аҳоли миграциясининг абсолют ва нисбий кўрсаткичлари.

Аҳолининг механик ҳаракати ёки миграцияси деб, аҳолининг бир аҳоли пунктдан бошқа пунктга ўтиши ёки бир аҳоли пунктдан бошқа пунктга келиши тушунилади. Аҳолининг ички ва ташқи миграцияси мавжуд. Ички миграция (мамлакат ичида доимий яшаш жойини ўзгартириш), ташқи

(мамлакатдан доимий яшаш учун чиқиб кетиш), мавсумий (йилнинг маълум даврларида мавжуд аҳоли сонининг ўзгариши), маятникли миграция (кишиларнинг хар куни уйдан иш ёки ўқиш жойига, ёки аксинча харакатига айтилади).

Аҳолининг механик харакатларини ўрганиш учун мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Абсолют кўрсаткичлар – аҳоли пунктига келганлар сони – К, аҳоли пунктидан чиқиб кетганлар сони – г; миграциянинг абсолют ўсиши (к-г).

Нисбий кўрсаткичлар – миграцион жараёнларнинг интенсивлигини ифодалайди:

$$\text{Келиш } K^T = K/\bar{A} \times 1000\text{‰};$$

$$\text{Кетиш } K^T = r/\bar{A} \times 1000\text{‰};$$

$$\text{Механик ўсиш } K^T = K-g/\bar{A} \times 1000\text{‰} \text{ ёки Келиш } K^T - \text{кетиш } K^T;$$

6. Никоҳдан ўтиш ва ундан ўчиш кўрсаткичлари.

Туғилиш ва вафот этишнинг ёш коэффициентлари. Масалан, вафот этишнинг ёш коэффициенти маълум ёшдаги кишиларнинг вафот этиш даражасини ифодалайди:

$$\text{Вафот этиш } K^T = X \text{ ёшда вафот этганлар сони} / \bar{A}_x \times 1000\%$$

Учинчи гуруҳ - андозавий коэффициентлар бўлиб, улар аҳолини такрор пайдо бўлишини худудлар бўйича ёки бир худуддаги хар хил вақтлар орасидаги ўзгаришларни аниқлаш имкониятини беради.

Иккита «А» ва «В» аҳоли пунктлари бўйича 2010 йилда қуйидаги маълумотлар берилган

| Ёши, йил | А | | В | | Регион |
|----------|-----------------|---------------------|------------|-----------------------|----------------------|
| | ВЭ коэффициенти | Ах жамига нисбатан% | ВЭ коэф. Х | Ах, жамига нисбатан % | Ах жамига нисбатан % |
| 0-30 | 2 | 60 | 2 | 30 | 42 |
| 30-60 | 6 | 30 | 5 | 30 | 41 |
| 60-юқори | 22 | 10 | 21 | 400 | 17 |
| Жами | 5,2 | 100 | 10,5 | 100 | 100 |

Назорат учун саволлар

1. Аҳоли сони ва таркибини статистик ўрганиш.
2. Аҳолини жинси, миллати, оилавий ҳолати, маълумотли даражаси ва бошқа белгилар бўйича ўрганиш.
3. Аҳолини табиий ва механик ҳаракати статистикаси.
4. Аҳоли табиий ҳаракатини ифодаловчи абсолют ва нисбий кўрсаткичлар: туғилиши, вафот этиши, табиий ўсиши.
5. Аҳоли миграцияси турлари. Аҳоли миграциясининг абсолют ва нисбий кўрсаткичлари.
6. Никоҳдан ўтиш ва ундан ўчиш кўрсаткичлари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //”Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).
1. James McClave, Terry Sincich Statistics. Textbook. USA.хисоботуyear.
2. Robert Jonsson Exercises in Statistical Inference with detailed solutions 1 st edition 2014 year.
3. Juha M. Alho and Bruce D. Spencer Statistical Demography and Forecasting 2005
4. Nabiyev X., Ayubjonov A.H., Sayfullaev S.N. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 324 bet.
5. Nabiyev X., Axmedova M.Sh. Sanoat statistikasi O`quv qo`llanma. Т.: TDIU, 2019. – 185 bet.
6. Axmedova M.Sh. Sanoat statistikasi fanidan amaliy mashg`lotlar. O`quv qo`llanma. Т.: TDIU, 2020. – 155 bet.
7. Soatov N.M., X.Nabiev N.M., Nabiev D., Tillaxo`jaeva G.N. Statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 548 bet.
8. Статистика. Учебник. /Под ред. И.И. Елисейевой. – М.: Проспект., – 448 стр.
9. Харченко Н.М. Экономическая статистика. Учебник. – М.: Дашков и К., – 368 с.
10. Экономическая статистика. Учебник. / Под ред. Ю.Н. Иванова. – М.: ИНФРА-М, ўтган. – 736 стр.
11. Соатов Н. Статистика. Дарслик. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2003. – 743 бет.
12. Marcelo Fernandes Statistics for Business and Economics, USA, ўтган year-150 p.
13. Daris Singpurwalla A Handbook of statistics: an Overview of Statistical Methods 1 st edition. year.

2-мавзу. Меҳнат бозори статистикаси.(2 соат)

Режа:

- 1.Иқтисодий фаол аҳоли тушунчаси. Унинг сони ва таркиби.
- 2.Бандлилик ва ишсизлик статистикаси.
- 3.Иқтисодий нофаол аҳоли тушунчаси. Унинг сони ва таркиби.
- 4.Меҳнат ресурслари статистикаси. Меҳнат ресурслари сонини ҳисоблаш усуллари. Меҳнат ресурслари баланси.
- 5.Унинг схемаси ва кўрсаткичлар тизими, уни таҳлил қилишнинг асосий йўналишлари. усуллари.
- 6.Ишчи кучи ҳаракати статистикаси..
7. Иш вақти фондларининг таркиби.
8. Иш жойларидан фойдаланиш кўрсаткичлари статистикаси.

1.Иқтисодий фаол аҳоли тушунчаси. Унинг сони ва таркиби.

Мамлакатнинг доимий аҳолиси иқтисодий фаол ва нофаол аҳоли гуруҳларига ажратилади. Иқтисодий фаол аҳоли ўз ишчи кучини меҳнат бозорига тақдим этади ва иш берувчилар уни сотиб оладилар. Иқтисодий нофаол аҳоли эса объектив сабаблар билан меҳнат бозорида иштирок этаолмайди.

Аҳолини кузатиш (рўйхат ўтказиш) – бандлик ва ишсизлик ҳақида маълумотларни йиғишда муҳим ўринни эгаллайди. Бундай кузатишлар аҳолининг ҳамма қатламларини ўз ичига олиб, у бандлилик таркиби ва унинг ўзгариши, ишсизлар сони ҳақида тўла маълумотларни олиш ва одатдаги усулларни қўллаб олинган статистик ҳисобларда акс эттирилмайдиган меҳнат фаоллигининг хар хил формаларини ҳисоблаш имкониятини беради.

2.Меҳнат ресурслари статистикаси. Меҳнат ресурслари сонини ҳисоблаш усуллари.

Меҳнат ресурсларининг сони, таркиби ва жойлашиши ҳақида тўлиқ маълумотларни аҳоли рўйхати маълумотларидан олиш мумкин.

Ишчи кучи бозорини ҳолатини баҳолаш учун қуйидаги нисбий кўрсаткичлар ҳисобланади:

1. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли коэффиценти – умумий аҳоли сонидан меҳнатга лаёқатли аҳоли салмоғини ифодалайди.

2. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг меҳнатга лаёқатлилиги K^T – меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолидаги салмоғини ифодалайди.

3. Аҳолини бандлилик K^T – банд аҳолини умумий аҳоли сонидан салмоғини ифодалайди.

4. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолини бандлилик K^T - меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолини шу ёшдаги умумий аҳоли сонидан салмоғини ифодалайди.

5. Меҳнат ресурсларини бандлиги K^T – банд аҳолини умумий меҳнат ресурсларидаги салмоғини ифодалайди.

6. Умумий юклама коэффиценти – ҳар 1000 та меҳнатга лаёқатли ёшдаги кишиларга тўғри келган меҳнатга лаёқатсиз ёшдаги кишилар сонини ифодалайди.

7. Меҳнат ресурслари ўрнини қоплаш коэффиценти – ҳар 1000 меҳнатга лаёқатли ёшдаги кишилари тўғри келган 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар сони.

8. Нафақа юкламаси коэффиценти – ҳар 1000 меҳнатга лаёқатли ёшдаги кишиларга тўғри келган нафақахўрлар сони.

9. Ишсизлик даражаси – ишсизлар сонини иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати бўлиб, у фоизларда ифодаланади.

10. Аҳолини иқтисодий фаоллик даражаси – иқтисодий фаол аҳолини умумий аҳоли сонига салмоғини ифодалайди.

3. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг фаолият соҳаси, мулк формаси, хўжалик юритиш формаси ва мамлакат ҳудудлари бўйича тақсимланишини статистик ўрганиш.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар статистика олдида янги-янги талабларни қўймоқда. Статистика олдида меҳнат бозорини ўрганиш вазифаси қўйилмоқда, шу жумладан, бандлилик ва ишсизлик даражаси, озод бўлган ишчи кучини касбий тайёрлаш ва унинг харажатлари қиймати, аҳолининг мажбурий миграцияси каби масалаларни ўрганиш ўзбек статистика услубиятини халқаро андозалар даражасига етказишни тақазо этади. Буларни ўрганиш учун ахборотларнинг қуйидаги янги манбаларидан фойдаланилади:

- бандлилик хизмати идораларининг статистик ҳисоботи, бунда фуқароларнинг иш қидириб қилган мурожаатлари, вақтинча бўш ўринлари ва ишсизликлар ўз аксини топади;

- аҳолининг бандлиги даражасини ўрганиш мақсадида ҳар кварталда ўтказилган (охирги ҳафтада) танлама кузатиш маълумотлари;

- миграция хизматлари органларининг Ўзбекистон миллий иқтисодиётида ишлаётган хориж фуқаролари ҳақидаги маълумотлари.

4. Корхона ва ташкилотларнинг ходимларини асосий ва асосий бўлмаган фаолиятлари бўйича тақсимланиши.

Меҳнат органларида рўйхатга олинган иш билан банд бўлмаган фуқаролар умумий сонидан шу йилнинг охирига 16,2 минг киши ишсиз мақомига эга бўлган.

Иқтисодий нофаол аҳолига 15 ёшдан 72 ёшгача бўлган аҳолининг қуйидаги категориялари киритилади:

- кундузги бўлим ўқувчилари, талабалари, магистрлари, аспирантлари, тингловчи ва курсантлари;
- нафақахўр ва ногиронлар;
- уй хўжалигида банд бўлганлар;
- иш қидиришни тугатганлар;
- ишлаши шарт бўлмаганлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозорида юз бераётган жараёнларни таҳлил қилишнинг муҳим қуроли бўлиб, ўртача йиллик миқдорларда 1.01 ва 1.07 га нисбатан тузиладиган меҳнат ресурсларибалаанси ҳисобланади. У меҳнат ресурсларининг сони ва таркиби, уларнинг миллий иқтисод тармоқлари ва мулк формалари бўйича тақсимооти, ишсизлар ва иқтисодий нофаол аҳоли ҳақидаги кўрсаткичлар тизими бўлиб, у фақат меҳнат статистикаси маълумотлари асосида эмас, балки статистиканинг бошқа тармоқлари кўрсаткичларини ўз ичига олади. У жамиятнинг ижтимоий тузилишини, меҳнат бозоридаги талаб ва тақдимни ўрганиш учун муҳим қурол бўлиб ҳисобланади.

1. Иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган ходимлар сони.

Республикада ҳудудларида демографик ривожланишнинг асосий тенденцияси туғилишнинг камайишида ҳамда миграциянинг салбий қолдиғи кўринишида намоён бўлмоқда. Бу эса аҳолининг ёш гуруҳлари таркибига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, аҳоли ёш гуруҳлари таркибида меҳнатга лаёқат ёшидан кичиклар улуши 1991 йилдаги 43,1 %дан 2010 йилга келиб 32,4%га, меҳнатга лаёқат ёшидан катталар улуши эса 7,8%дан 7,3%га камайган, меҳнатга лаёқатли аҳолининг солиштирма салмоғи эса 49,1%дан 60,3 %гача кўпайган.

Меҳнат ресурслари – ёши ва соғлиги бўйича меҳнатга лаёқатли ва амалда иқтисодиётда банд ёки банд бўлмаган кишилар бўлиб, умумий доимий яшовчи аҳолининг бир қисмини ташкил этади.

2. Ишчи кучи ҳаракати статистикаси.

Ишчи кучи ҳаракатини вақт бўйича, корхоналар бўйича интенсивлигини ўрганиш мақсадида қуйидаги нисбий кўрсаткичлар аниқланади:

$$\text{Қабул қилиш } K^T = \frac{\text{Ишга қабул қилинганлар сони}}{T_{\text{рўйхатдаги}}} \times 100\%$$

$$\text{Ишдан бўшаш } K^T = \frac{\text{Ишдан бўшаганлар сони}}{T_{\text{рўйхатдаги}}} \times 100\%$$

$$\text{Ходимлар сонини тўлдириш } K^T = \frac{\text{Қабул қилинганлар сони}}{\text{Ишдан бўшаганлар сони}} \times 100\%$$

$$\text{Ходимлар доимийлик } K^T = \frac{\text{Ўрганилаётган даврда рўйхатда турган ходимлар сони}}{T_{\text{рўйхатдаги}}} \times 100\%$$

$T_{\text{рўйхатдаги}}$ – корхонанинг ўртача рўйхатдаги ходимлари сони.

Ишга қабул қилиш ва ундан бўшаш натижасида ишчи кучи сонининг ўзгариши ишчи кучи ҳаракати деб аталади. Уни ифодалаш учун қуйидаги абсолют кўрсаткичлар аниқланади:

- қабул қилиш обороти (ишга қабул қилинганлиги ҳақида буйруқ чиқарилган);
- ишдан бўшаш обороти (ишдан бўшамаганлиги ҳақида буйруқ чиқарилган);
- ишчи кучи умумий обороти (қабул қилинган ва бўшаганлар умумий сони).

7. Иш вақти фондларининг таркиби.

Иш кучи сони ва унинг таркиби бу соҳадаги масаланинг миқдор томони ҳисобланади, иш вақти ва ундан фойдаланиш даражаси эса унинг сифат тарафини белгилайди. Иш вақтидан фойдаланишни таҳлил қилиш учун иш вақти фондларини таркибини ўрганишни, иш куни ва иш даври узунлигини, ишлаган иш вақти ҳажмига ҳар ҳил омиллар таъсирини ўрганишни тақозо этади. Иш вақти статистикаси – меҳнат статистикасининг бир бўлими ҳисобланади.

Иш вақтини йўқотишни ўрганиш меҳнат муаммолари билан шуғулланувчи давлат органлари, ижтимоий таъминот бўлимлари, касаба уюшмалари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарининг доимий эътиборида туради.

Иш вақти сарфланган меҳнат меърини ифодалайди ва у амалиётда икки кўрсаткич ёрдамида ўлчанади: 1) ишлаган киши – куни ходимнинг корхона рўйхатида турган ва ишга келган кунларини билдириб, унга иш вақти давомида ҳақиқий ишланган ва ишланмаган соатлар кираверади. Ишланган киши-кунларига шу корхонада ўз ходимлари томонидан амалда ишланган киши-кунлари, бу корхона йўлланмаси билан бошқа корхонада ишланган киши-кунлари, шунингдек хизмат сафарида бўлган ходимларнинг ишлаган кунлари киритилади.

8. Иш жойларидан фойдаланиш кўрсаткичлари статистикаси.

Амалиётда қуйидаги иш вақти фондларини бир-биридан ажратиш лозим:

1. Календар иш вақти фонди – корхона барча ходимларига тўғри келган календар кунлар сонини ифодалайди ва у қуйидагича ҳисобланиши мумкин:

- ўртача рўйхатдаги ходимлар сонини шу даврдаги календар кунлар сонига кўпайтирилади; ёки

- ишга келган ва келмаган киши-кунлар сони кўшилади.

2. Табель вақт фонди – ни аниқлаш учун календар вақт фондидан байрам ва дам олиш кунлари айрилади;

3. Энг кўп имкониятли иш вақт фонди – ни аниқлаш учун табель иш вақти фондидан навбатдаги меҳнат татили кунлари айрилади. Бу фонд “Меҳнат ҳақида”ги қонунга асосан фойдаланиш мумкин бўлган энг катта иш вақти салоҳиятини билдиради.

1-жадвал

Н- мамлакат аҳолисининг иқтисодий фаоллиги

| Кўрсаткичлар | 2016 | 2017 | 2018 | 2018й.да 2016й. ганисба тан % |
|--------------------------------------|-------------|-------------|-------------|--|
| Аҳоли сони(йил охирига, млн.киши) | 24,8 | 25,7 | 26,3 | 106,0 |
| Меҳнат ресурслари(минг киши) | 12594,0 | 13597,0 | 14180, 0 | 112,6 |
| Ундан, иқтисодий фаол аҳоли | 9018,4 | 9621,2 | 10224, 0 | 113,4 |
| Шу жумладан, иқтисодиётда бандлар | 8983,0 | 9589,0 | 10196, 3 | 113,5 |
| Ишсизлар | 35,4 | 32,2 | 27,7 | 78,2 |
| Меҳнатга лаёқатлик даражаси (%) | 51,0 | 53,2 | 54,2 | 106,3 |
| Иқтисодий фаоллик даражаси (%) | 71,6 | 71,8 | 72,1 | 100,7 |
| Бандлик даражаси (%) | 99,61 | 99,67 | 99,73 | 100,1 |
| Ишсизлик даражаси (%) | 0,39 | 0,33 | 0,27 | 69,2 |

Манба: Экономическое обозрение, январь 2018 й, 12 ва 42-бетлар

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий фаол аҳоли тушунчаси. Унинг сони ва таркиби.

2. Меҳнат ресурслари статистикаси. Меҳнат ресурслари сонини ҳисоблаш усуллари.

3. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг фаолият соҳаси, мулк формаси, хўжалик юритиш формаси ва мамлакат ҳудудлари бўйича тақсимланишини статистик ўрганиш.

4. Корхона ва ташкилотларнинг ходимларини асосий ва асосий бўлмаган фаолиятлари бўйича тақсимланиши.

5. Иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган ходимлар сони.

6. Ишчи кучи ҳаракати статистикаси.
7. Иш вақти фондларининг таркиби.
8. Иш жойларидан фойдаланиш кўрсаткичлари статистикаси.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //”Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).
2. James McClave, Terry Sincich Statistics. Textbook. USA.ҳисоботуyear.
3. Robert Jonsson Exercises in Statistical Inference with detailed solutions 1 st edition 2014 year.
4. Juha M. Alho and Bruce D. Spencer Statistical Demography and Forecasting 2005
5. Nabiyev X., Ayubjonov A.H., Sayfullaev S.N. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 324 bet.
6. Nabiyev X., Axmedova M.Sh. Sanoat statistikasi O`quv qo`llanma. Т.: TDIU, 2019. – 185 bet.
7. Axmedova M.Sh. Sanoat statistikasi fanidan amaliy mashg`lotlar. O`quv qo`llanma. Т.: TDIU, 2020. – 155 bet.
8. Soatov N.M., X.Nabiev N.M., Nabiev D., Tillaxo`jaeva G.N. Statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 548 bet.
9. Статистика. Учебник. /Под ред. И.И. Елисеевой. – М.: Проспект,. – 448 стр.
10. Харченко Н.М. Экономическая статистика. Учебник. – М.: Дашков и К,. – 368 с.
11. Экономическая статистика. Учебник. / Под ред. Ю.Н. Иванова. – М.: ИНФРА-М, ўтган. – 736 стр.
12. Соатов Н. Статистика. Дарслик. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2003. – 743 бет.
13. Marcelo Fernandes Statistics for Business and Economics, USA, ўтган year-150 p.
14. Daris Singpurwalla A Handbook of statistics: an Overview of Statistical Methods 1 st edition. year.

3-мавзу. Аҳоли турмуш даражаси статистикаси (2 соат)

Режа:

- 1.Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий индекаторлар тизими.
- 2.Уй хўжаликлари бюджетини статистик кузатиш.
- 3.Аҳолининг сотиб олиш қобилияти, минимал яшаш даражаси ва камбағаллик чегараси.
- 4.Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи умумий кўрсаткичлари.
- 5.Ижтимоий инфратузилма статистикасининг кўрсаткичлари

1. Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий индикаторлар тизими.

Аҳоли турмуш даражаси категорияси иқтисодий адабиётларда ҳар хил талқин қилинади ва уни акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими ҳам турли хил кўринишга эга бўлиб, уларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: даромадлар, истеъмол ва яшаш шароитлари. Шу кўрсаткичларнинг барчаси бутун аҳоли миқёсида ва аҳолининг жон бошига нисбатан ҳисобланади.

Аҳолининг пул даромадлари ҳажми, таркиби, улардан фойдаланиш йўналишлари ва аҳолининг айрим гуруҳлари орасида тақсимланиши ҳақидаги ва бошқа маълумотлар асосида аҳоли турмуш даражасини асосий ижтимоий-иқтисодий индикаторлари тузилади.

Ижтимоий-иқтисодий индикаторлар ўртача ва медиан кўрсаткичларда ўзгариш даражаси, учрашиш тезлиги, тўплаш, дифференциялаш ва сотиб олиш қобилияти кабиларда ифодаланади. Ижтимоий-иқтисодий индикаторларни ҳисоблаш макроиқтисодий кўрсаткичларни тузишга қўйилган талабларга асосан, лекин ижтимоий кўрсаткичларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади.

2. Уй хўжаликлари бюджетини статистик кузатиш.

Уй хўжалиқларининг ихтиёрдаги даромадлари – уй хўжалиқларининг ишлаб чиқариш фаолиятдан, мулкдан, шунингдек қайта тақсимланиш натижасида олган даромадларини: импорт ва ишлаб чиқаришда олинган субсидияларни ва жорий трансфертларни қўшиб ҳисобланади.

Ихтиёрдаги даромадлар ҳисобидан уй хўжалиқларининг охириги истеъмоли ҳаражатлари амалга оширилади, улар орасидаги фарқ эса ушбу сектор жамғармасини ташкил этади.

Уй хўжалиқлари олган натурал формадаги ижтимоий трансфертлар ва ихтиёрдаги даромадлар қўшилиб тузатиш киритилган ихтиёрдаги даромадни ташкил этади (ТКИД):

ТКИД=ИД+ИТ; бунда,

ИД – ихтиёрдаги даромадлар;

ИТ – ижтимоий трансфертлар.

Бу кўрсаткич уй хўжалиқларининг охириги истеъмолини аниқлаш имконини беради. Истеъмолнинг бундай тузатиш киритилган кўрсаткичи – уй хўжалиқларининг амалдаги охириги истеъмолини ифодалайди. У истеъмол товарлари ва хизматларини сотиб олиш учун қилинган ҳаражатларни ва натурал формада олинган ижтимоий трансфертлар қийматларини ифодалайди.

3. Аҳолининг сотиб олиш қобилияти, минимал яшаш даражаси ва камбағаллик чегараси.

Инсон ривожланиш индекси ($J_{и.р.}$) учта омилнинг таъсирини ҳисобга олади:

- 1) умр узунлиги;
- 2) таълим олиш даражаси;
- 3) жон бошига ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажми.

Бу кўрсаткич ($J_{и.р.}$) турмуш тарзини ифодаловчи уч кўрсаткич асосида ўртача арифметик усулда аниқланади:

$J_{и.р.} = 1/3 \times (\sum J_{xi})$; бунда,

J_{xi} – турмуш даражаси индикаторлари, шу жумладан:

J_{x1} – кутилаётган умр узунлиги;

J_{x2} – аҳолининг таълим олиш даражаси (йиғма кўрсаткич: ёши катта аҳолининг саводхонлик даражаси ва бошланғич, ўрта ва олий маълумот олаётган ёшлар салмоғи);

J_{x3} – жон бошига тўғри келган реал ЯИМ ҳажми, уни пулни сотиб олиш қобилиятини эътиборга олган ҳолда ҳисобланади АҚШ долларарида).

Индекснинг ҳар бир омили ҳисобланаётганда унинг минимал ва максимал қиймати белгиланган андозасидан фойдаланилади ва у билан мамлакатдаги амалдаги кўрсаткич солиштирилади:

$$J_x = \frac{x_i \text{ амалдаги ҳажми} - x_i \text{ минимал ҳажми}}{x_i \text{ максимал ҳажми} - x_i \text{ минимал ҳажми}}$$

Бўлажак умр узунлиги индекси ҳисобланаётганда максимал даража сифатида 85 ёш олинади, минимал даража сифатида эса 25 ёш олинади. Таълим олиш индекси ҳисобланаётганда андозалар 100% ва 0% деб олинади, жон бошига реал ЯИМ ҳажми индекси – 100 ва 5500 АҚШ долларари олинади.

Жон бошига реал ЯИМ ҳажми кўрсаткичи ишлаб чиқарилган, тақсимланган ва истеъмол қилинган даражани акс эттиради. Умр кўриш узунлиги кўрсаткичи миллатнинг соғломлик даражасини ифодалайди. У мамлакатнинг иқтисодий ўсиш даражасига, олиб борилаётган ижтимоий сиёсатга, медицина хизмати даражасига, экологияга ва бошқа омилларга боғлиқ. Аҳолининг таълим олиш даражаси жамиятнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ифодалайди.

БМТ ривожланиш дастурининг «1995 йилда инсон ривожланиш даражаси тенденцияси» номли маърузасида таъкидлаганидек, охириги 30 йил мобайнида инсоният ўз ривожиди сезирарли ўсишга эришган. Ҳозирги вақтда умр узунлиги 1960 йилга нисбатан 17 йилга ортган. Болалар ўими эса ярмига қисқарган.

1960 йилдан 1995 йилгача бўлган даврда бутун дунё бўйича ҳисобланган инсон ривожланиш коэффиценти 247 фоиз пунктга ўсган. Жумладан, аҳоли жон бошига реал ЯИМ ишлаб чиқариш (солиштирма баҳоларда) 1,8 марта ортган, ўртача умр узунлиги 50 ёшдан 64 ёшгача кўтарилган, аҳоли саводхонлик даражаси эса 50%гача ортган.

4.Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи умумий кўрсаткичлари.

Турмуш даражасини уч хил йўналишда ўрганиш мумкин:

- 1) барча аҳолига нисбатан;
- 2) унинг ижтимоий гуруҳларига нисбатан;
- 3) ҳар хил даромадга эга бўлган уй хўжаликларига нисбатан.

Россия Федерацияси иқтисодиёт вазирлиги қошидаги «иқтисодий конъюнктура ва башоратлаш маркази» томонидан 1992 йилда ишлаб чиқилган «Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар тизими» замонавий талабларга жавоб беради ва анча тўлиқ ишланган. Унинг 7 бўлимида 39та кўрсаткич келтирилган:

1. Жамловчи кўрсаткичлар
2. Аҳоли даромадлари
3. Аҳоли ҳаражатлари ва истеъмоли
4. Аҳолининг пул жамғармалари
5. Йиғилган мулк ва турар жой
6. Аҳолининг ижтимоий табақаланиши
7. Аҳолининг кам таъминланган қатлами.

Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимининг охириги варианты БМТ томонидан 1978 йилда тақдим этилган.

1. Туғилиш, вафот этиш ва бошқа аҳолини ҳарактерлайдиган кўрсаткичлар
2. Турмушнинг санитария-гигиена шароитлари
3. Озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш
4. Турар жой шароитлари
5. Таълим ва санъат
6. Меҳнат шароити ва бандлилик
7. Аҳолининг даромадлари ва ҳаражатлари
8. Яшаш қиймати ва истеъмол баҳолари
9. Транспорт воситалари
10. Дам олишни ташкил этиш
11. Ижтимоий таъминот
12. Инсоннинг эркинлиги

5.Ижтимоий инфратузилма статистикасининг кўрсаткичлари.

Истеъмол ҳажми, унинг динамикаси ва таркиби инсон турмуш даражасининг муҳим элементлари бўлиб ҳисобланади. МДҲ мамлакатларида истеъмолчи манфаатини ҳимоя қилувчи қонунлар актлари қабул қилинган, улар минимал даромад, пенсионерларни, ногиронларни ижтимоий таъминоти, баҳонинг ортиши ва инфляция натижасида аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш кабилар, шунингдек «Истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоялаш ҳақида»ги қонун қабул қилиниб, унда фуқароларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асослари яратилган.

Халқаро андозаларни ташкил этиш ташкилоти (ISO) ҳам истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилади.

Аҳоли истеъмоли статистикасининг асосий вазифаси истеъмолнинг натурал ва қиймат кўрсаткичларини, индивидуал ва оилавий истеъмол бюджетларини, истеъмол ҳаражатлари таркибини ва истеъмолнинг эластиклигини ва унинг динамикасини ўрганишдан иборат.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Аҳолининг турмуш даражаси кўрсаткичлари қандай аниқланади?
2. Аҳолининг турмуш тарзи кўрсаткичлари қандай аниқланади?
3. Истеъмол саватчаси қандай аниқланади?
4. Камбағаллик чизиғи қандай аниқланади?
5. Аҳолига хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари қандай аниқланади?
6. Турмуш даражасини умумлаштирувчи кўрсаткичлари деганда нимани тушунаси?
7. Аҳолининг даромадлари таркиби нималар киради?
8. Номинал иш ҳақи ва номинал даромадлар деганда нимани тушунаси?
9. Истеъмол нархлари индекси нимани ифодалайди?
10. Аҳолининг уй-жой шароитларини тавсифлашда қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //”Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).
2. James McClave, Terry Sincich Statistics. Textbook. USA.ҳисоботуеар.
3. Robert Jonsson Exercises in Statistical Inference with detailed solutions 1 st edition 2014 year.
4. Juha M. Alho and Bruce D. Spencer Statistical Demography and Forecasting 2005
5. Nabiyev X., Ayubjonov A.H., Sayfullaev S.N. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 324 bet.
6. Nabiyev X., Axmedova M.Sh. Sanoat statistikasi O`quv qo`llanma. Т.: TDIU, 2019. – 185 bet.
7. Axmedova M.Sh. Sanoat statistikasi fanidan amaliy mashg`lotlar. O`quv qo`llanma. Т.: TDIU, 2020. – 155 bet.
8. Soatov N.M., X.Nabiev N.M., Nabiev D., Tillaxo`jaeva G.N. Statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 548 bet.
9. Статистика. Учебник. /Под ред. И.И. Елисеевой. – М.: Проспект,. – 448 стр.
10. Харченко Н.М. Экономическая статистика. Учебник. – М.: Дашков и К., – 368 с.

11. Экономическая статистика. Учебник. / Под ред. Ю.Н. Иванова. – М.: ИНФРА-М, ўтган. – 736 стр.
12. Соатов Н. Статистика. Дарслик. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2003. – 743 бет.
13. Marcelo Fernandes Statistics for Business and Economics, USA, ўтган year-150 p.
14. Daris Singpurwalla A Handbook of statistics: an Overview of Statistical Methods 1 st edition. year.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Амалий машғулот **мақсади** тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машғулотлар республикамиздаги илғор корхона ва ташкилотларда ўтказилади ҳамда амалий фаолият билан машғул бўлган амалиётчилар билан ҳамкорликда ўтказилади. Машғулот давомида тингловчилар кадрларни инновацион бошқариш, инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши, корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш тажрибаси, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш, Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиши тўғрисида амалий кўникмалар ҳосил қиладилар.

1 - амалий машғулот: Аҳоли статистикаси (8 соат)

Дарс шакли бахс-мунозара. Ишнинг мақсади тингловчиларда реал сектор ривожланишнинг моҳияти, иқтисодийёт ва унинг шаклланиши ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қуйидаги масалалар муҳокама этилади:

1. Аҳоли сони ва таркибини статистик ўрганиш.
2. Аҳолини жинси, миллати, оилавий ҳолати, маълумотли даражаси ва бошқа белгилар бўйича ўрганиш.
3. Аҳолини табиий ва механик ҳаракати статистикаси.

Муҳокама учун саволлар

Назорат саволлари: Аҳоли табиий ҳаракатини ифодаловчи абсолют ва нисбий кўрсаткичлар: туғилиши, вафот этиши, табиий ўсиши коэффициентлари. Аҳоли миграцияси турлари. Аҳоли миграциясининг абсолют ва нисбий кўрсаткичлари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //”Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).
2. James McClave, Terry Sincich Statistics. Textbook. USA.ҳисоботуyear.
3. Robert Jonsson Exercises in Statistical Inference with detailed solutions 1 st edition 2014 year.
4. Juha M. Alho and Bruce D. Spencer Statistical Demography and Forecasting 2005
5. Nabiyev X., Ayubjonov A.H., Sayfullaev S.N. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 324 bet.

6. Nabiyev X., Axmedova M.Sh. Sanoat statistikasi O`quv qo`llanma. T.: TDIU, 2019. – 185 bet.
7. Axmedova M.Sh. Sanoat statistikasi fanidan amaliy mashg`lotlar. O`quv qo`llanma. T.: TDIU, 2020. – 155 bet.
8. Soatov N.M., X.Nabiev N.M., Nabiev D., Tillaxo`jaeva G.N. Statistika. Darslik. – T.: TDIU, 2011. – 548 bet.
9. Статистика. Учебник. /Под ред. И.И. Елисейевой. – М.: Проспект,. – 448 стр.
10. Харченко Н.М. Экономическая статистика. Учебник. – М.: Дашков и К., – 368 с.
11. Экономическая статистика. Учебник. / Под ред. Ю.Н. Иванова. – М.: ИНФРА-М, ўтган. – 736 стр.
12. Соатов Н. Статистика. Дарслик. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2003. – 743 бет.
13. Marcelo Fernandes Statistics for Business and Economics, USA, ўтган year-150 p.
14. Daris Singpurwalla A Handbook of statistics: an Overview of Statistical Methods 1 st edition. year.

Интернет сайтлари.

1. www.economy.gov.ru
2. www.uza.uz
3. www.uzland.uz
4. www.stability.uz
5. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
6. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
7. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)
8. www.wikipedia.org/

2-амалий машғулот: Меҳнат бозори статистикаси.(2 соат)

Дарс шакли: Дебат усули. **Ишнинг мақсади** Иқтисодий фаол аҳоли тушунчаси. Унинг сони ва таркиби. Бандлилик ва ишсизлик статистикаси.Иқтисодий нофаол аҳоли тушунчаси. Унинг сони ва таркиби.

Қуйидаги масалалар ўртага ташланади:

- Меҳнат ресурслари статистикаси. Меҳнат ресурслари сонини ҳисоблаш усуллари.
- Меҳнат ресурслари баланси. меҳнат ресурсларининг шаклланиши, унинг ҳуқуқий муҳофазаси, ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш борасида муаммоларни илгари суриш ва муҳокама этиш. Бунда илмий техника ишланмаларини тижоратлаштириш, илмий кашфиётлар, ихтиролар ва

лицензиялашдаги тўсиқлар борасида дебат уюштирилади.

Назорат саволлари: Ишчи кучи ҳаракати статистикаси. Иш вақти фондларининг таркиби. Иш жойларидан фойдаланиш кўрсаткичлари статистикаси Иқтисодиётнинг соф фойдаси (соф фойда ёки соф аралаш даромад). Иқтисодиётнинг ялпи фойдаси (ялпи фойда ёки ялпи аралаш даромад).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //”Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).
2. James McClave, Terry Sincich Statistics. Textbook. USA. хисоботу year.
3. Robert Jonsson Exercises in Statistical Inference with detailed solutions 1 st edition 2014 year.
4. Juha M. Alho and Bruce D. Spencer Statistical Demography and Forecasting 2005
5. Nabiyev X., Ayubjonov A.H., Sayfullaev S.N. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 324 bet.
6. Nabiyev X., Axmedova M.Sh. Sanoat statistikasi O`quv qo`llanma. Т.: TDIU, 2019. – 185 bet.
7. Axmedova M.Sh. Sanoat statistikasi fanidan amaliy mashg`lotlar. O`quv qo`llanma. Т.: TDIU, 2020. – 155 bet.
8. Soatov N.M., X.Nabiev N.M., Nabiev D., Tillaxo`jaeva G.N. Statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 548 bet.
9. Статистика. Учебник. /Под ред. И.И. Елисейевой. – М.: Проспект,., – 448 стр.
10. Харченко Н.М. Экономическая статистика. Учебник. – М.: Дашков и К., – 368 с.
11. Экономическая статистика. Учебник. / Под ред. Ю.Н. Иванова. – М.: ИНФРА-М, ўтган. – 736 стр.
12. Соатов Н. Статистика. Дарслик. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2003. – 743 бет.
13. Marcelo Fernandes Statistics for Business and Economics, USA, ўтган year-150 p.
14. Daris Singpurwalla A Handbook of statistics: an Overview of Statistical Methods 1 st edition. year.

Интернет сайтлари.

1. www.economy.gov.ru
2. www.uza.uz
3. www.uzland.uz
4. www.stability.uz
5. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
6. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
7. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)
8. www.wikipedia.org/

3-амалий машғулот: Аҳоли турмуш даражаси статистикаси (6 соат)

Дарс шакли: Кейс - стади.

Кейс-стади – Аҳоли турмуш даражаси статистикаси.

Муҳокама қилинадиган масалалар:

1. Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий индекаторлар тизими.
2. Уй хўжаликлари бюджетини статистик кузатиш.

Назорат саволлари: Аҳолининг сотиб олиш қобилияти, минимал яшаш даражаси ва камбағаллик чегараси. Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи умумий кўрсаткичлари. Ижтимоий инфратузилма статистикасининг кўрсаткичлари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //”Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //”Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).
3. James McClave, Terry Sincich Statistics. Textbook. USA.хисоботуyear.
4. Robert Jonsson Exercises in Statistical Inference with detailed solutions 1 st edition 2014 year.
5. Juha M. Alho and Bruce D. Spencer Statistical Demography and Forecasting 2005
6. Nabiyev X., Ayubjonov A.H., Sayfullaev S.N. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 324 бет.
7. Soatov N.M., X.Nabiev N.M., Nabiev D., Tillaxo’jaeva G.N. Statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 548 бет.
8. Соатов Н. Статистика. Дарслик. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2003. – 743 бет.

Интернет сайтлари.

1. www.economy.gov.ru

2-илова

Гуруҳларнинг ишлашини баҳолаш жадвали

| Гуруҳ | Баҳолаш мезонлари | |
|-------|--|--|
| | Презентация (мазмун, маъноси ва хулосаларнинг исботи учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қониқарли – 1 балл Қониқарсиз – 0,5 | Муаммоли масаланинг ечими учун (тўғрилиги ва ечимнинг кетма-кетлиги учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қониқарли – 1 балл Қониқарсиз – 0,5 балл |
| 1. | | |
| 2. | | |
| | | |

2-илова

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Статистика қандай фан?

- А) ижтимоий фандир;
- Б) диалектика қонун-қоидаларига асосланиб ўрганади;
- В) ижтимоий ходисаларнинг миқдорий томонларини сифат кўрсаткичлари билан боғлаб ўрганади;
- Г) фарқланувчи тўплам тушунилади;

2. Статистика фанининг предмети.

- А) ижтимоий ходисаларнинг миқдорий томонларини сифат кўрсаткичлари билан боғлаб ўрганади;
- Б) диалектика қонун-қоидаларига асосланиб ўрганади;
- В) ижтимоий фандир;
- Г) бир хил типдаги (тоифадаги) ижтимоий ходисаларнинг фақат даражалари билан фарқланувчи тўплам тушунилади;

3. Статистик тўплам деб нимага айтилади?

- А) бир хил тип (тоифа) даги ижтимоий ходисаларнинг фақат даражалари билан фарқланувчи тўплам тушунилади;
- Б) ижтимоий ходисаларнинг миқдорий томонларини сифат кўрсаткичлари билан боғлаб ўрганади;
- В) диалектика қонун-қоидаларига асосланиб ўрганади;
- Г) диалектика қонун-қоидаларига асосланиб ўрганади;

4. Статистик кўрсаткич деб нимага айтилади?

- А) ижтимоий ҳаётдаги ходиса ва жараёнларнинг миқдорини ва сифатини умумлаштирилган
- Б) тавсифномасининг маълум вақт ва жойда ўрганилишига айтилади.
- В) диалектика қонун-қоидаларига асосланиб ўрганади;
- Г) ижтимоий фандир;

5. “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қачон қабул қилинди?

- А) 2002 йил 12 декабр;

- Б)1992 йил 5 август;
- В)2002 йил 24 декабр;
- Г)1997 йил 15 май;

6. Ўзбекистон Республикасида Статистика Давлат Қўмитаси қачон ташкил топган?

- А)2002 йил 24 декабр;
- Б)2002 йил 12 декабр;
- В)1997 йил 15 май;
- Г)1992 йил 5 август;

7. Макроиқтисодий фаолият босқичларидан қайсиларини биласиз?

- А)Ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмашиш. истеъмол
- Б)Екиш, ундириш, йиғиб олиш, истеъмол
- В)Ўқитиш, билим бериш, тайёрлаш, кузатиш
- Г)Қазиб олиш, қайта ишлаш, тақсимлаш, истеъмол;

8. Гуруҳлаш деб нимага айтилади?

- А)ижтимоий ходиса ва жараёнларни энг муҳим белгилари бўйича гуруҳларга ажратиш тушунилади;
- Б)гуруҳлаш учу насос келиб олинган белги тушунилади;
- В)олдиндан тузилган ва тасдиқланган дастур ҳамда режа асосида амалга оширилиши тушунилади;
- Г)ижтимоий ходисалар ва жараёнлар ҳақидаги оммавий маълумотларни илмий ва режали асосда тўплаш тушунилади;

9. Статистик кузатиш деб нимага айтилади?

- А)ижтимоий ходисалар ва жараёнлар ҳақидаги оммавий маълумотларни илмий ва режали асосда тўплаш тушунилади;
- Б)олдиндан тузилган ва тасдиқланган дастур ҳамда режа асосида амалга оширилиши тушунилади;
- В)ижтимоий ходиса ва жараёнларни энг муҳим белгилари бўйича гуруҳларга ажратиш тушунилади;
- Г)гуруҳлаш учу насос келиб олинган белги тушунилади;

10. Иккиламчи гуруҳлаш деб нимага айтилади?

- А)дастлабки гуруҳланган маълумотларни қайта гуруҳлаш тушунилади.
- Б)олдиндан тузилган ва тасдиқланган дастур ҳамда режа асосида амалга оширилади;
- В)ижтимоий ходиса ва жараёнларни энг муҳим белгилари бўйича гуруҳларга ажратиш тушунилади;
- Г)гуруҳлаш учун асос қилиб олинган белги тушунилади;

11. Нисбий миқдорлар деб нимага айтилади?

- А)бир мутлақ миқдорнинг иккинчи мутлақ миқдорга нисбатидир;
- Б)у ёки бу ижтимоий ходисаларнинг ҳажмини ва миқдорини маълум вақтда, маълум жойда ўрганилиши тушунилади;
- В)ходиса ва жараёнларнинг тарқалиш зичлигини билдиради;
- Г)коэффициентда, фоизда, премоллида, продетсимеллида;

12. Ўртача миқдорлар деб нимага айтилади?

- А)бир хил тип (тоифа) даги ижтимоий ходисаларни умумлаштирувчи миқдорий даража кўрсатгичи тушунилади;
- Б)ижтимоий ходисаларнинг вақт ичида ўзгариши тушунилади;
- В)ходисаларнинг маълум бир санадаги ҳолатини тасвирлайди;
- Г)тўплаш бирликлари ўртасидаги тафовут тушунилади;

13. Вариация кўрсатгичи деб нимага айтилади?

- А)тўплам бирликлари ўртасидаги тафовут тушунилади;
- Б)бир хил типдаги (тоифада)ги ижтимоий ходисаларни умумлаштирувчи миқдорий даража кўрсатгичи тушунилади;
- В)ижтимоий ходисаларнинг вақт ичида ўзгариши тушунилади;

Г)ходисаларнинг маълум бир санадаги ҳолатини тасвирлайди;

14. Иқтисодий индекслар деб нимага айтилади?

А)белги, кўрсаткич деган маънони билдиради;

Б)ўлчаш деган маънони билдиради;

В)бўлиш деган маънони билдиради;

Г)айириш деган маънони билдиради;

15. Бош тўплам деб нимага айтилади?

А)ўрганилиши лозим бўлган тўплам тушунилади;

Б)бош тўпландан текшириш учун олинган қисм тушунилади;

В)ўрганилиши лозим бўлган тўпландан зарурий миқдордаги бирликларнинг махсус усуллар билан танлаб олинishi ва уларнинг натижалари бош тўпламга тарқатилиши тушунилади;

Г)кузатувчининг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда содир бўлган хатолардир;

16. Институтсионал бирликлар ва уларнинг қандай турлари бор?

А)Физик шахслар, юридик шахслар, хўжалик юритувчи субъектлар

Б)Саноат корхонаси, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги

В)Савдо корхонаси, тайёрлов базаси, этказиб бериш

Г)Молиявий ташкилот, марказий банк, суғурта ташкилоти;

17. Фаолият турларини тармоқ классификацияси қандай?

А)Товарлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар, Хизмат кўрсатувчи тармоқлар

Б)Бозор хизматини кўрсатувчи тармоқлар

В)Хизмат кўрсатувчи тармоқлар

Г)Товарлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар;

18. Аҳоли статистикасини ўрганиш объекти қимлар?

А)Мамлакат аҳоли сони, таркиби. Худуднинг аҳоли сони, таркиби. Туман аҳолиси сони, таркиби;

Б)Мамлакат аҳоли сони;

В)Туман аҳолиси сони, таркиби;

Г)Худуднинг аҳоли сони, таркиби;

19. Аҳоли таркиби бўйича қандай гуруҳларга бўлинди?

А)Яшаши бўйича;

Б)Жинси бўйича;

В)Ёши бўйича ва х.к;

Г)Мансаби бўйича;

20. Маҳсулотнинг тайёр бўлиш даражасига қараб қандай элементларга ажратилади?

А)Тугалланмаган ишлаб чиқариш, ярим фабрикатлар, тайёр маҳсулотлар

Б)Саноат харакатидаги хизматлар;

В)Ёрдамчи қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва умумий овқатланиш саноат корхоналарининг маҳсулоти;

Г)Ёрдамчи ва кўшимча сехларда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар;

21. Тўлиқ бандлик шароитида ишсизлик даражаси

А)Фрикцион ва структуравий (таркибий) ишсизликни ҳисобга олади;

Б)Даврий ишсизликни ҳисобга олади;

В)структуравий (таркибий) ишсизликни ҳисобга олади;

Г)Нолга тенг бўлади;

22. Ишчи кучи сони баланси қандай тузилади?

А)Квартал бошидаги ишчилар сони, қабул қилинганлар сони, бўшаганлар сони, квартал охиридаги ишчилар сони;

Б)Қабул қилинганлар сони, бўшаганлар сони

В)Армия сафига чиқарилганлар сони;

Г)Ўқув юртларини битириб келганлар сони;

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ахмедова Мовлуда Шавкатовна

КЕЙС

Тошкент вилояти «MUZIMPEKS» бирлашмаси мисолида

“Аҳоли турмуш даражасида асосий фондлар статистикаси”

Тошкент -2021

ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

1. Фаннинг номи: “Иқтисодий статистика” .

Мавзунинг номи: “Аҳоли турмуш даражасида асосий фондлар статистикаси” мавзусига мосланган кейс.

2. Берилган кейснинг мақсади: Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини Тошкент вилояти “MUZIMPEKS” бирлашмасининг 2019 йилдаги “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботи” маълумотлари асосида ҳисоблаймиз;

Кутилаётган натижалар: Бирлашма фаолиятини ўрганган ҳолда, билимни чуқурлаштириш, асосий фондларни яратиш учун сарфланган маблағларни миқдорини аниқлаш, асосий фондлар миқдорини, таркибини ва фойдаланиш даражасини таҳлилинини ўрганиб чиқиш ва берилган муаммоларни ечиш. Кейс муқаффақиятли ечиш учун талабалар **қуйидаги натижаларга** эришишлари лозим: қишлоқ хўжалигида, турли мулк шаклларидаги хўжаликларда, минтақаларда асосий фондлар миқдорини, уларнинг таркиби ва ҳолатини, уларнинг ҳаракатини аниқлаш, асосий фондлар билан таъминланиш даражасини баҳолаш, фойдаланишни иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш.

3. Мазкур кейс институционал тизимнинг реал фаолият асосида ишлаб чиқилган;

4. Кейсда ишлатилган маълумотлар манбаи қуйидагилардан иборат: Тошкент вилояти «MUZIMPEKS» бирлашмасининг 2019 йилдаги “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботи” маълумотлари асосида, ушбу корxonанинг низоми, Тошкент вилояти қишлоқ хўжалигининг статистик маълумотлари.

5. Мазкур кейс дала тадқиқотлари асосида сюжетли тоифасига киради. Ҳолат бирлашманинг таҳлилий кўрсаткичлари асосида тузилган. Кейснинг объекти бўлиб: Тошкент вилояти «MUZIMPEKS» бирлашмаси ҳисобланади. Ушбу кейс маълумотлар ва далиллар асосида ишлаб чиқилган. У тузилмавий ва катта ҳажмдаги кейс – стади ҳисобланади.

6. Дидактик мақсадларга кўра кейс – таҳлилларни ўргатиш ва баҳолаш ҳисобланади. Шу сабабдан, кейс муаммосининг шаклланиши ва тузилиши унинг масаласининг ечимида алгоритм ва таҳлил асосида ишлаб чиқилган. Голограмма сифатида баъзи маълумотлар назарий жиҳатдан берилган бўлиб, кўшимча ахборотлар муаммоли ҳолатларни амалий машғулотларда ўз ечимларига эга бўлади.

Кейснинг афзалликларига қуйидагилар киради: Ўқув дарсининг кейс – технология ўқитиш бўйича, талабаларнинг ўзи ташкил этган иш фаолиятининг таъминловчи ва унинг натижавий баҳосини белгиловчи “Ҳолатий таҳлил варақаси” мавжуд.

7. Ушбу кейс – “Меҳнат статистикаси”, “Иқтисодий статистика”, “Саноат статистикаси”, фанларининг машғулотларида фойдаланиш мумкин.

МУНДАРИЖА

| | | |
|------|---|--|
| | КИРИШ | |
| 1. | «MUZIMPEKS» бирлашмасига иқтисодий тавсифнома | |
| 2. | «MUZIMPEKS» бирлашмасининг бошқарув тизими ҳақида маълумот | |
| 3. | «MUZIMPEKS» бирлашмасининг асосий фондлари ҳақида маълумот. | |
| 3.1. | Тадқиқотлар тизимида асосий фондларнинг ҳолати ва ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткичларини ўрганиш | |
| 3.2. | Асосий фондларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги «MUZIMPEKS» бирлашмасининг 2019 йилги кўрсаткичлари таҳлили | |
| 4. | Талабаларга бериладиган мулоҳаза учун саволлар | |
| 5. | Талабалар учун услубий қўлланмалар | |
| 6. | Ўқув - услубий материаллар. | |
| 7. | Кейсологнинг жавоб варианты. | |
| 8. | Амалий машғулотларда муаммоли ҳолатларни (кейсларни) ечиш бўйича ўқитиш технологияси | |

КИРИШ

Республикаимиз ҳукуматининг фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсати ҳозирги вақтда, айниқса, қишлоқ жойларда иқтисодий инфраструктурани ишбилармон тадбиркорлар томонидан такомиллаштириш ва қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш учун қулай имкониятлар яратмоқда.

Кўп харажатлар талаб қилинишига қарамай, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш тадбиркорлар олдида турган долзарб вазифалардан энг асосийси ҳисобланади.

Қуйидаги маълумотда «MUZIMPEKS» бирлашмасининг иш фаолияти ҳақида асосий тушунчалар, асосий фондлар миқдорини, таркибини ва фойдаланиш даражаси ҳақида ва бошқа маълумотлар берилган.

Асосий фондларнинг айрим турлари натурада, умумий ҳажм ва таркиби пул қийматида ҳисобга олинади, чунки асосий фойдаларни пул қийматида ҳисоблаш шу хўжаликда асосий фондларни яратиш учун сарфланган маблағларни миқдори, шунингдек, асосий фондларнинг етиштирилган маҳсулотларга ўтган қийматини аниқлаш имконини беради. Натижада асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳисобот маълумотларидан фойдаланиб аниқлаш мумкин бўлади.:

Мазкур кейсда ушбу бирлашманинг ҳисобланган ҳар бир кўрсаткичи мустақил иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, бирлашмада асосий фондларни яратиш учун сарфланган маблағ миқдорини аниқлаш имконини беради. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бухгалтерия ҳисобида асосий фондлар бошланғич қийматида ҳисобга олинади. Шу билан бирга асосий фондлар турли вақтларда ҳосил қилинади, демак уларнинг баҳолари ҳам турлича булади. Шу сабабли асосий фондларни қийматига қараб таққослаб булмайди ва уларнинг динамикасини ҳам ўрганиш қийин бўлади. Асосий фондларни таққослашни таъминлаш учун уларни инвентаризацияси ўтказилиб аниқ вақтдаги қийматига кўра қайтадан баҳолаш муаммоларини ҳал этишга, ҳамда уларнинг ечишига ёрдам беради.

Кейсда масаланинг ечими орқали қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- мазкур мавзу бўйича билимни чуқурлаштириш;
- индивидуал ва гуруҳларда муаммонинг ечими таҳлилини ва қарор қабул қилиш кўникмаларини ишлаб чиқиш;
- мантиқий фикр юритишни жонлантириш;
- мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ўқув маълумотларни ўрганиш даражасини текшириш.
- товар стратегияларни ишлаб чиқиш йўллари;

1. «MUZIMPEKS» бирлашмасига иқтисодий тавсифнома

Ташкилотнинг манзили:

Ташкилотнинг тўлиқ номланиши:
«MUZIMPEKS» бирлашмаси

Ташкилотнинг ташкил этилган йили:

Тошкент вилояти Зангиота тумани Ҳокимининг 1998 йил 10 мартдаги 234-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган.

Ташкилотнинг шакли:

«MUZIMPEKS» бирлашмаси юридик шахс мақомига эга бўлиб, тумани Ҳокимининг 1997 йил 22 мартдаги 70-сонли қарорига асосан рўйхатга олинган.

Ташкилотнинг фаолият тури:

«MUZIMPEKS» бирлашмаси қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланади:

- чорвачилик, паррандачилик, гўштани қайта ишлаш ва колбаса маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, сотиб олиш, қайта ишлаш, сақлаш ҳамда бозорларда сотиш, шу жумладан, ўз савдо шахобчалари орқали сотиш;
- чорвачилик ва паррандачилик фаолияти билан шуғулланиш, чорва маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, сотиб олиш ва сотиш;
- савдо дўконларини ташкил қилиш ва савдо-сотик фаолияти билан шуғулланиш ҳамда маиший хизмат шахобчалари очиш;
- иссиқхоналар барпо этиш ва уларда иссиқхона маҳсулотлари етиштириб, аҳолига сотиш ҳамда боғдорчилик ва узумчилик фаолияти билан шуғулланиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва рақобатбардош маҳсулотларини кўпайтириб, жаҳон бозорига олиб чиқиш.

Хўжаликнинг меҳнат фаолияти гўшт ва паррандачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишга ихтисослашган бўлиб, ушбу фермер хўжалиги ўзида бир нечта хусусий тадбиркорларни бирлаштириб, шу жумладан, чорвачилик ҳамда гўштан колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Асосий ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар 20 турдан ортиқ бўлиб, колбаса, сосиска, сарделька, дудланган колбаса, тухум, парранда гўшти, мол гўшти ва бозорда бўлмаган, янги талабга жавоб берадиган маҳсулотларни ташкил қилиб, сифатли, хорижий маҳсулотлар билан рақобатлаша оладиган гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ушбу фермер хўжалиги дастлаб беш хилдаги колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарган бўлса, ҳозирда 11 хилдаги колбаса, 4 хилда сосиска ва 2 хилдаги ветчина, макарон

маҳсулотлари ҳамда сарделька маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Ташкилотнинг мақсад ва вазифалари:

- ишлаб чиқаришни янада кучайтириш ва ҳалқаро миқёсда кенгайтириш;
- шаҳар аҳолиси ва маҳаллий аҳолини ўзининг сифатли маҳсулотлари билан таъминлаш;
- жойларда савдо шаҳобчаларини ташкил этиш ва қулай шароитда аҳолига кенг хизмат кўрсатиш;
- табиий озиқ-овқат ва гўшт маҳсулотларини кўпайтириш ва даромад олиш.


2. « MUZIMPEKS » БИРЛАШМАСИНИНГ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Ташкилотнинг бошқарув тузилиши:

«MUZIMPEKS» бирлашмаси юридик шахс мақомига эга бўлиб, давлат томонидан бошқарилмайди. «MUZIMPEKS» бирлашмаси хусусий бўлганлиги сабабли, «MUZIMPEKS» бирлашмасининг 2000 йилда тасдиқланган ва Тошкент вилояти Зангиота тумани Ҳокимининг 2000 йил 10 майдаги 305-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган низомининг V бандига асосан иш юритилади. «MUZIMPEKS» бирлашмаси низомининг V-17 бандида ёзилишича, «MUZIMPEKS» бирлашмасига 18 (ўн саккиз) ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган, муомалага лаёқатли хўжалик аъзоларидан бири раҳбарлик қилиши мумкин. «MUZIMPEKS» бирлашмасининг раҳбариятидан ташқари маҳаллий ишсизлар сонини камайтириш мақсадида «MUZIMPEKS» бирлашмаси яқин атрофдаги маҳалланинг 100 нафардан ортиқ аъзосини хўжаликда меҳнат қилишга жалб этган. Олинган 100 нафардан ортиқ ишчи кучини малакасини ошириш учун керакли чора-тадбирларни амалга оширилган бўлиб, «MUZIMPEKS» бирлашмаси иқтисодиётини кўтариш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни рақобатбардош ва юқори сифатли бўлишини таъминлаш вазифаси бирлашма зиммасига олинган.

Ташкилотнинг бошқарув шакли:

«MUZIMPEKS» бирлашмасининг ташкилий тузилмаси ва бошқарув фаолиятининг умумий кўриниши



1-расм. «MUZIMPEKS» бирлашмасининг ташкилий тузилмасининг умумий кўриниши

Ташкилотнинг чет эл билан ҳамкорлиги:

«MUZIMPEKS» бирлашмасининг чет эл мамлакатлари билан алоқаларини 2000 йиллардан бошлаб йўлга қўйган. Чет эллик фермер хўжаликлари билан ўз фаолиятини юргизиш ва маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш учун «MUZIMPEKS» бирлашмасининг раҳбарияти чет эллик мутахассисларни Ўзбекистонга таклиф қилиб,

«MUZIMPEKS» бирлашмасининг ишчилари ва ходимларини ўқитди, ҳамда уларнинг малакасини оширди.

3. «MUZIMPEKS» бирлашмасининг асосий фондлари ҳақида маълумот.

3.1 Тадқиқотлар тизимида асосий фондларнинг ҳолати ва ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткичларини ўрганиш.

Асосий фондларнинг айрим турлари натурада, умумий ҳажм ва таркиби пул қийматида ҳисобга олинади, чунки асосий фойдаларни пул қийматида ҳисоблаш шу хўжаликда асосий фондларни яратиш учун сарфланган маблағларни миқдори, шунунингдек асосий фондларнинг етиштирилган маҳсулотларга ўтган қийматини аниқлаш имконини беради. Статистика амалиётида асосий фондларни пулга чакиб баҳолашнинг турли усуллари бор:

-Асосий фондларни бошланғич (дастлабки) тўлиқ қиймати. Бунга фонднинг дастлабки сотиш (ишлаб чиқариш) баҳоси, уни келтириб кўриш ва ўрнатиш ҳаражатлари қиради;

-Тўлиқ тикланган қиймат. Бу шу вақтнинг ўзида ҳозирги баҳоларда фонднинг такрор ишлаб чиқилган қийматидир. Бу қиймат асосий фондларни қайтадан баҳолаш жараёнида аниқланади;

-Бошланғич тўлиқ қийматидан эскирган, ейилган қийматни чиқариб ташлагандан қолган қиймат. Бу асосий фондларнинг тўлиқ қиймати билан уларнинг эскирган, ейилган қиймати ўртасидаги тафовутдир;

-Тикланган баҳодан эскирган, ейилган қисм қийматини чиқариб ташлагандан сўнг қиймати. Бу асосий фондларнинг тўлиқ тикланган қиймати билан эскирган, ейилган қиймати ўртасидаги тафовутдир;

Бу усулларда ҳисобланган ҳар бир кўрсаткич мустақил иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб хўжаликда асосий фондларни яратиш учун сарфланган маблағ миқдорини аниқлаш имконини беради. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бухгалтерия ҳисобида асосий фондлар бошланғич қийматида ҳисобга олинади. Шу билан бирга асосий фондлар турли вақтларда ҳосил қилинади, демак уларнинг баҳолари ҳам турлича булади. Шу сабабли асосий фондларни қийматига қараб таққослаб булмайди ва уларнинг динамикасини ҳам ўрганиш қийин бўлади. Асосий фондларни таққослашни таъминлаш учун уларни инвентаризацияси ўтказилиб аниқ вақтдаги қийматига кўра қайтадан баҳоланади. Асосий фондларни қайта баҳолаш собиқ иттифоқ даврида охириги марта 1972 йилда давлатимиз мустақиллигидан сўнг 1993 ва 1994 йилларда ўтказилган.

Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашавериб асосий фондлар эскиради, емирилади шу билан бирга улар маънавий жихатидан ҳам эскиради. Эскириш қийматини қоплаш ва янгилаш мақсадида асосий фондларнинг амортизация фонди ташкил этилади. Хар йили олдиндан белгиланган меъёр бўйича асосий фондлар қийматидан амортизация ажратишлари ҳисобланиб, фондларга ўтказилади. Амортизация ажратмалар меъёрлар ҳукумат қарорлари билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексининг 23 моддасига мувофиқ 1998 йил 1 январдан асосий фондларнинг гуруҳларига қараб қуйидаги амортизация нормалари 5%, 8%, 10 %, 15%, 20 % белгиланган.

Асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришни таснифлаш учун уларни ҳисобот даврдаги (асосий бир йиллик) ҳаракатини таснифловчи баланслардан кенг фойдаланилади. Баланс жадвал шаклида тузилиб йўллари бўйича асосий фондларни турлари, устунлар бўйича уларни ёзгаришлари йил бошидаги ҳолати, йил давомида келиб тушган, йил давомида чиқарилган, йил охириги ҳолати кўрсатилади.

Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини қуйидаги ҳисобот маълумотларидан фойдаланиб аниқлаш мумкин:

1. Хўжаликнинг йиллик ҳисоботи таркибидаги 3-шакл бўйича тузилган «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» маълумотлари;

2. 11-шаклда тузилган давлат статистика ҳисоботи таркибидаги «Асосий воситаларнинг мавжудлиги, ҳаракати ва таркиби» тўғрисидаги 1-бўлим маълумотлари.

Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари куйидаги коэффицентлар орқали ифодаланади ва ўрганилади:

1. Асосий фондларнинг ўсиш коэффиенти;
2. Асосий фондларнинг қўшимча ўсиш коэффиенти;
3. Асосий фондларнинг эскириш коэффиенти;
4. Асосий фондларнинг яроқлилик коэффиенти;
5. Асосий фондларнинг сафини тўлдириш коэффиенти;
6. Асосий фондларнинг янгиланиш коэффиенти;

3.2. Асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги «Қоракўл» бирлашмасининг 2013 йилги кўрсаткичлари таҳлили.

Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини Тошкент вилояти “МУЗИМПЕКС” бирлашмасининг 2019 йилдаги “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботи” маълумотлари асосида ҳисоблаймиз. Улар куйидаги жадвалда келтирилган.

Асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги
2019 йил кўрсаткичлари

| Кўрсаткичларнинг Номи | Бошланғич қиймати, млн.сўм | | | | Эскириши, млн.сўм | | Қолдиқ қиймати, млн.сўм | |
|------------------------------------|-------------------------------|--------|-------|--------------------|----------------------|-------------|----------------------------|-------------|
| | Йил бошига қолдиқ | кири м | Чиқим | Йил охирига қолдиқ | Йил бошига | Йил охирига | Йил бошига | Йил охирига |
| 1. Бино, иншоот, узатиш мосламаси | 707,4 | 229,6 | 23,3 | 913,7 | 229,0 | 265,0 | 478,4 | 648,7 |
| 2. Машина ва жиҳозлар | 275,0 | 49,8 | 32,3 | 292,5 | 119,8 | 112,0 | 155,2 | 180,5 |
| 3. Транспорт воситалари | 74,4 | 51,3 | 2,5 | 123,2 | 27,4 | 29,2 | 47,0 | 94,0 |
| 4. Ишчи ва маҳсулдор чорва моллари | 1373,7 | 1027,5 | 453,9 | 1947,3 | - | - | 1373,7 | 1947,3 |
| 5. Бошқа асосий фондлар | 64,6 | 1,4 | 2,8 | 63,4 | 20,2 | 19,3 | 44,4 | 44,1 |
| Жами | 2495,1 | 1359,6 | 514,8 | 3340,1 | 396,4 | 425,5 | 2098,7 | 2914,6 |

4. Талабаларга бериладиган мулоҳаза учун саволлар

1. Моддий-техник база деганда нимани тушунасиз?
2. Ишлаб чиқариш фондлари тўғрисида тушунча.
3. Асосий фондлар деб нимага айтилади?
4. Айланма фондларнинг таърифи.
5. Асосий фондларнинг гуруҳлари ва уларнинг таърифи.
6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига оид бўлган асосий ишлаб чиқариш фондларининг таърифи.
7. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари.
8. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириши ва яроқлилиги кўрсаткичларини аниқлаш ва таърифлаш.
9. Хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиш кўрсаткичлари.
10. Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларини айтинг ва мазмунини таърифланг.

5. Талабалар учун услубий қўлланмалар

Муаммо:

Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳисоблаш

Вазифалар:

1. Асосий фондларнинг ўсиш коэффициенти;
2. Асосий фондларнинг қўшимча ўсиш коэффициенти;
3. Асосий фондларнинг эскириш коэффициенти;
4. Асосий фондларнинг яроқлилик коэффициенти;
5. Асосий фондларнинг сафини тўлдириш коэффициенти;
6. Асосий фондларни ҳисобдан чиқариш коэффициентини ҳисоблаш

Ечилиш алгоритми:

Ушбу жадвал маълумотларидан (асосий фондларнинг балансидан) *Асосий фондларнинг ўсиш коэффициентини* аниқлаш учун уларнинг йил охиридаги қийматини йил бошидаги қийматига бўлиш керак, яъни қуйидагича аниқланади:

$$\text{Асосий фондларнинг ўсиш коэффициенти} = \frac{\text{Асосий фондларнинг йил охиридаги қиймати}}{\text{Асосий фондларнинг йил бошидаги қиймати}} \cdot 100$$

Ушбу коэффицент асосий фондларнинг ўсиш даражасини ифодалайди, яъни уларнинг йил охиридаги ҳажми йил бошига нисбатан неча фоизни ташкил қилганлигини билдиради.

Асосий фондларнинг қўшимча ўсиш коэффициенти икки хил усул орқали аниқланади.

Биринчи усул. Асосий фондларнинг мутлоқ ўсиш миқдорини асосий фондларнинг йил бошидаги бошланғич қийматига бўлиш орқали аниқланади:

$$\text{Қўшимча ўсиш коэффициентини} = \frac{\text{Асосий фондларнинг мутлоқ ўсиши} \times 100}{\text{Асосий фондларнинг йил бошидаги бошланғич қиймати}}$$

Асосий фондларнинг мутлоқ ўсиш миқдорини аниқлаш учун йил охиридаги бошланғич қийматидан йил бошидаги бошланғич қийматини чегириб ташлаш керак.

Иккинчи усул. Асосий фондларнинг ўсиш коэффициентидан 100 фоизни чегириб ташлаш орқали аниқланади:

$$\text{Қўшимча ўсиш коэффициентини} = \text{Асосий фондларнинг ўсиш коэффициентини} - 100\%$$

Қўшимча ўсиш коэффициентини асосий фондлар ҳажми йил (давр) охирида йил (давр) бошига нисбатан неча фоизга ошганлигини (ёки камайганлигини) кўрсатади.

Асосий фондларнинг қўшимча ўсиш кўрсаткичи миллий бойликнинг унинг асосий қисми ҳисобига жамғарилишини ифодалайди, яъни миллий бойликни асосий фондлар ҳисобига жамғарилаётган ҳажмининг ошаётганини ифодалайди. Шу билан бир қаторда моддий-техник базанинг мустаҳкамланаётганлигини ифодалайди.

Асосий фондларнинг эскириш коэффициентини ҳам давр (йил) бошига, ҳам давр (йил) охирига аниқланади. Ушбу коэффициентни аниқлаш учун эскириш суммасини 100 фоизга кўпайтириб асосий фондларнинг бошланғич қийматига бўлинади:

$$\text{Эскириш коэффициентини} = \frac{\text{Асосий фондларнинг эскириш суммаси} \times 100}{\text{Асосий фондларнинг бошланғич қиймати}}$$

Эскириш коэффициент асосий фондларнинг техник ҳолатига баҳо беришда қўлланилади. Ушбу коэффициент қанча юқори бўлса, асосий фондлар ҳолати шунча ёмонлашган бўлади.

Асосий фондларнинг яроқлилик коэффициентини икки хил усул орқали аниқланади:

Биринчи усул. Асосий фондларнинг қолдиқ қийматини 100 фоизга кўпайтириб, асосий фондларнинг бошланғич қийматига бўлиш орқали аниқланади:

$$\text{Яроқлилик коэффициентини} = \frac{\text{Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати} \times 100}{\text{Асосий фондларнинг бошланғич қиймати}}$$

Иккинчи усул. 100 фоиздан эскириш коэффициентини айриш орқали аниқланади.

$$K_{\text{я}} = 100\% - K_{\text{э}}$$

Асосий фондлар сафини тўлдириш коэффициентини аниқлаш учун йил даврида ишга туширилган, сотиб олинган ва бошқа йўллар билан киримга олинган фондлар қийматларининг йиғиндисини йил охиридаги асосий фондлар қийматига бўлиш керак. Ушбу коэффициентни фондларнинг йил бошидаги қийматига нисбатан аниқлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Асосий фондларнинг янгилашни коэффициентини аниқлаш учун йил давомида ишга туширилган ва сотиб олинган янги асосий фондларнинг қийматини уларнинг йил охиридаги умумий қийматига бўлиш керак:

$$\text{Янгилашни коэффициентини} = \frac{\text{Йил давомида ишга туширилган янги асосий фондлар қиймати} \times 100}{\text{Асосий фондларнинг йил охиридаги умумий қиймати}}$$

Бу коэффициент жами асосий фондлар ва шу жумладан уларнинг актив қисми бўйича ҳам ҳисобланади. Бу коэффициент йил охиридаги жами асосий фондлар ҳажмига нисбатан янги асосий фондлар қийматининг эгаллаган ҳиссасини билдиради. Бу кўрсаткич маълум даражада иқтисодиётдаги техника тараққиётини ҳам ифодалайди. Бу коэффициентни йил бошидаги қийматига нисбатан ҳисоблашни тавсия қиламиз.

Асосий фондларни ҳисобдан чиқариш коэффициентини ҳисоблаш учун йил давомида ҳар хил йўллар билан ҳисобдан чиқарилган асосий фондлар қийматларининг жамини асосий фондларнинг йил бошидаги жами қийматига бўлиш керак:

$$\text{Ҳисобдан чиқариш коэффициентини} = \frac{\text{Ҳисобдан чиқарилган жами асосий фондлар қиймати} \times 100}{\text{Асосий фондларнинг йил бошидаги жами қиймати}}$$

Асосий фондларнинг эскириши туфайли ҳисобдан чиқариш коэффициентини аниқлаш учун эскириши, ейилиши, қариганлиги натижасида ҳисобдан чиқарилган асосий фондларнинг қийматини жами асосий фондларнинг йил бошидаги қийматига бўлиш керак.

Ҳолатий таҳлилнинг варақаси

| Таҳлил босқичининг номи | Таҳлил босқичининг мазмуни | Таҳлил босқичи | Баҳолаш мезонлари |
|-------------------------|--|----------------|----------------------------|
| 1. Ҳолатий таҳлил | 1. Ҳолатнинг аниқ кўриниши ва масаланинг ҳал этилиши, ечилиши учун аниқ маълумотлар. 2. Ҳолатнинг энг муҳим | | 1 – 0.5 балл 2 – 1 балл |

| | | | |
|---|--|--|---|
| | хусусиятлари: Нима бўлмоқда? Ҳолатнинг натижаларини шаклланиши қандай? | | |
| 2. Муаммонинг шаклланиши | Муаммода акс эттирувчи асосий хусусиятлар: 1. Асосий фондларнинг ўсиш коэффициенти; 2. Асосий фондларнинг қўшимча ўсиш коэффициенти; 3. Асосий фондларнинг эскириш коэффициенти; 4. Асосий фондларнинг яроқлилик коэффициенти; 5. Асосий фондларнинг сафини тўлдириш коэффициентини; 6. Асосий фондларни ҳисобдан чиқариш коэффициентини қисоблаш. | | А) – 0.5 балл Б) – 0.5 балл В) – 1 балл |
| 3. Ҳолатнинг иштирокчилар ини аниқлаш | «MUZIMPEKS» бирлашмасининг иқтисодий тавсифномаси, иш фаолияти ва таркиби, бошқариш тизими | | 1 балл |
| 4. Бозор конъюнктураси ҳолатнинг ўрганиш | Асосий фондларнинг ҳолатини аниқлаш ва уларнинг афзаллик ёки талабга жавоб бериш ҳолатини ўрганиб чиқиш. | | 2 балл |
| 5. Корхоналарни таққослаш ёки уларнинг бозор-даги ўрнини эгаллаши | А) Рақобатчи корхоналарнинг бозордаги мавқеини аниқлаш; Б) Таққослаш натижалари аниқланади | | А) 1.0 балл Б) 1.5 балл |
| 6. Корхонанинг SWOT таҳлили ёки мавжуд бўлган усулларда ечиш | 1) Рақобатбардош корхоналар корхоналарнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш. 2) Ушбу таҳли асосида корхонанинг имкониятларини аниқлаш. | | 1) 1.5 балл 2) 2 балл |

| | | | |
|---|--|--|----------|
| 7. Муқобил вариантларини билиш ва энг альтернатив ҳолатини танлаш | Ҳолатий масаланинг альтернатив ечимларни билдириш: бўлиши мумкин бўлган йўналишларни билдириш. Ҳар бир альтернативларни баҳолаш. Салбий ва ижобий томонларини кўрсатиш. Энг зўр альтернативани танлаш. | | 1.5 балл |
| 8. Ечимни ишлаб чиқиш | Масаланинг ечимини ҳал қилмоқ ва ишлаб чиқиш, товарлар ассортименти стратегиясини ишлаб чиқиш. | | 2 балл |

6. Ўқув - услубий материаллар

Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг муҳим омилларидан бўлиб, асосий ва айланма фондлар билан таъминланиши ҳисобланади.

Асосий ва айланма фондлар вужудга келиши бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва бошқа тармоқлар иқтисодининг маҳсулотига бўлинади.

Корхона маҳсулоти ҳисобидан юзага келган асосий фондлар хўжаликда фойдаланиш ёшига ётган мевали дарахтлар, ишчи ва маҳсулдор моллардан ташкил топади. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳисобидан юзага келган айланма фондлар ўз ичига ўсимликчилик ва чорвачиликдаги тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳамда ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун ишлатиладиган тайёр маҳсулотнинг айрми қисмини (уруғ, озуқа ва б.к) олади.

Корхона маҳсулотига тегишли бўлмаган, яъни бошқа тармоқ иқтисодига тегишли бўлган қишлоқ хўжалик асосий фондларига иморатлар, иншоотлар, транспорт воситалари, машина ва жиҳозлар ва бошқалар киради, айланма фондларига ўғит, захарлихимикатлар ва бошқа саноат маҳсулотлари киради.

Такрор ишлаб чиқаришдаги ролига қараб моддий-техник база меҳнат воситалари ва меҳнат предметларига бўлинади.

Меҳнат воситалари моддий неъматлардан ташкил топган бўлиб, улар ёрдамида ишловчилар меҳнат предметларига таъсир ўтказиши. Буларга меҳнат қуроллари ва меҳнат моддий шароитларини ифодаловчи неъматлар киради.

Меҳнат қуролларига машиналар ва жиҳозлар, инвентарлар, ишчи ва маҳсулдор моллар киради. Меҳнат моддий шароитларини ифодаловчи неъматларга иморат ва иншоотлар, алоқа воситалари ва бошқалар киради.

Меҳнат предметлари моддий неъматлар бўлиб, ишловчиларнинг меҳнатининг таъсири остида улардан янги моддий неъматлар яратилади. Буларга уруғ, озуқа, ёш ва боқувдаги моллар ва бошқа неъматларни киритиш мумкин.

Корхоналарнинг иш фаолиятида, меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари узлуксиз равишда иштирок этади. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида иштирок этишига қараб асосий ва айланма

фондларга бўлинади. Бошқача айтганда меҳнат воситалари *асосий фондлар* деб, меҳнат предметлари эса *айланма фондлар* деб аталади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида кўп йиллар даврида хизмат қилувчи, ўзларининг эскирган қисмини яратилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат қийматига ўтказиб борувчи, ўз натура шаклини сақлаб қолувчи меҳнат воситалари *асосий фондлар* деб аталади. Буларга трактор, комбайн, транспорт воситалари, иморатлар, иншоотлар ва бошқа меҳнат воситаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида бир марта иштирок этувчи, ўз қийматини яратилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат қийматига тўлиқ ўтказувчи, ўз натура шаклини йўқотувчи меҳнат предметлари *айланма фондлар* деб айтилади.

Буларга уруғлик, ем-хашак, ўғит, ёқилғи ва мойлаш материаллари, кам баҳоли буюмлар каби меҳнат предметлари киради.

Корхоналарда *асосий фондлар* икки гуруҳга бўлинади:

1. *Асосий ишлаб чиқариш фондлари*;
2. *Ноишлаб чиқариш асосий фондлари*.

Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этиб, моддий неъмат яратувчи меҳнат воситалари *асосий ишлаб чиқариш фондлари* ҳисобланади.

Корхоналарнинг *асосий ишлаб чиқариш фондлари* ўз навбатида икки катта гуруҳга бўлинади:

1. Корхона ишлаб чиқаришига оид бўлган *асосий ишлаб чиқариш фондлари*;
2. Корхона ишлаб чиқаришига оид бўлмаган *асосий ишлаб чиқариш фондлари*.

Корхона ишлаб чиқаришига оид бўлган *асосий ишлаб чиқариш фондлари* ўз навбатида қуйидаги уч гуруҳга бўлиниб ўрганилади:

1. *Ўсимликчилик соҳасида банд бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари*;
2. *Чорвачилик соҳасида банд бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари*;
3. *Умумхўжалик йўналишига оид бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари*.

Корхона ишлаб чиқаришига оид бўлмаган *асосий ишлаб чиқариш фондлари*га қишлоқ хўжалик корхонаси таркибидаги саноат, қурилиш, савдо ва овқатланиш тармоқларида банд бўлган *асосий ишлаб чиқариш фондлари* киради.

Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашмайдиган, аммо ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш учун шарт-шароит яратиб берувчи меҳнат воситалари *ноишлаб чиқариш асосий фондлари* бўлиб ҳисобланади. Буларга қишлоқ хўжалик корхонаси таркибидаги тиббиёт, маориф, маданий-оқартув, спорт соҳаларида хизмат қилувчи *асосий фондлар* киради.

Ҳар бир гуруҳ таркибидаги *асосий воситалар* ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, бир неча турларга бўлиниб, ўрганилади. Шу жумладан *асосий ишлаб чиқариш фондлари* 11-шалқдаги давлат статистика ҳисоботининг «*Асосий воситаларнинг мавжудлиги, ҳаракати ва таркиби*» номли 1-бўлимда қуйидаги турларга бўлиниб, ҳисобга олинган:

1. *Бинолар*;

2. Иншоотлар;
3. Узатиш курилмалари;
4. Машина ва асбоб-ускуналар;
5. Транспорт воситалари;
6. Асбоблар, ишлаб чиқариш ва хўжалик ашёлари;
7. Иш ҳайвонлари;
8. Маҳсулдор моллар;
9. Кўп йиллик мевали дарахтлар;
10. Асосий воситаларнинг бошқа турлари.

Асосий ва айланма фондлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий омиллари бўлганлиги учун ҳам уларнинг ҳолати ва ҳаракатини ҳамда улардан фойдаланиш даражасини ўрганиш ва статистик таҳлил қилиш катта аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан асосий фондлар статистикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Корхонада турли мулк шаклларидаги хўжаликларда, минтақаларда асосий фондларнинг миқдори, таркиби, таркибий тузилиши ва динамикасини ўрганиш;
2. Асосий фондларнинг ҳолати ва ҳаракатини ифодловчи (такрор ишлаб чиқариш) кўрсаткичларини аниқлаш ва динамикасини ўрганиш;
3. Асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиш даражасини аниқлаш ва статистик таҳлил қилиш;
4. Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари динамикасини статистик таҳлил қилиш;
5. Айланма фондларнинг таркиби, таркибий тузилиши ва динамикасини ўрганиш;
6. Айланма фондлар билан таъминланиш даражасини ва улардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини статистик таҳлил қилиш.

7. КЕЙСОЛОГНИНГ ЖАВОБ ВАРИАНТИ

Ушбу жадвал маълумотларидан (асосий фондларнинг балансидан) фойдаланиб, асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳисоблаш тартибини кўриб чиқамиз. Асосий фондларнинг мутлоқ ўсиши йил охирида йил бошига нисбатан 845 млн. сўмни ташкил қилган: 3340,1 – 2495,1 =+ 845 млн.сўм.

1. Асосий фондларнинг ўсиш коэффициенти:

$$K_{a\phi y} = \frac{3340,1}{2495,1} \cdot 100 = 133,9 \%$$

Демак, ўсиш коэффициенти 133,9% ни ташкил қилган.

2. Асосий фондларнинг қўшимча ўсиш коэффициенти. Бу кўрсаткич икки хил усул билан аниқланади:

$$1) K_{a\phi ky} = \frac{845}{2495,1} \cdot 100 = 33,9 \%$$

$$2) \text{ ёки } 133,9 - 100 = 33,9 \%$$

Демак, асосий фондлар ҳажми йил охирида йил бошига нисбатан 33,9 % га ошган.

3. Асосий фондларнинг эскириш коэффициенти:

$$\text{Йил бошида: } K_{\text{афэ}} = \frac{396,4}{2495,1} \cdot 100 = 15,9 \%$$

$$\text{Йил охирида: } K_{\text{афэ}} = \frac{425,5}{3340,1} \cdot 100 = 12,7 \%$$

Бирлашма бўйича асосий фондларнинг эскириш даражаси 3,2 фоизга камайган, демак фондлар аҳволи яхшиланган, яроқлилик даражаси ошган.

4. Асосий фондларнинг яроқлилик коэффициенти:

$$\text{Йил бошида: } K_{\text{афя}} = \frac{2098,7}{2495,1} \cdot 100 = 84,1 \%$$

$$\text{ёки } 100 - 15,9 = 84,1 \%$$

$$\text{Йил охирида: } K_{\text{афя}} = \frac{2914,6}{3340,1} \cdot 100 = 87,3 \%$$

$$\text{ёки } 100 - 12,7 = 87,3 \%$$

Асосий фондларнинг яроқлилик даражаси йил охирида йил бошига нисбатан 3,2 фоизга ошган.

5. Асосий фондлар сафини тўлдириш коэффициенти:

$$K_{\text{афм}} = \frac{1359,6}{3340,1} \cdot 100 = 40,7\%$$

Демак, асосий фондлар сафи ҳар хил йўллар билан 40,7 фоизга кенгайтирилган.

6. Асосий фондларни ҳисобдан чиқариш коэффициенти:

$$J_{\text{афхч}} = \frac{514,8}{2495,1} \cdot 100 = 20,6 \%$$

Йил даврида ҳар хил йўллар билан хўжалик ҳисобидан чиқиб кетган фондлар ҳажми 20,6 фоизни ташкил қилади.

8. Амалий машғулотларда муаммоли ҳолатларни ечиш бўйича (кейс ўқитиш технологияси

| | |
|------------------------|--|
| Мавзу | Товар ассортиментни стратегиясини ишлаб чиқиши |
| Талабалар сони: 25 –30 | Вақти 4 соат |
| Ўқитиш шакли | Амалий машғулотда муаммоли ҳолатни ечиш орқали билимни чуқурлаштириши. |
| Амалий машғулот режаси | 1. Кейс – стадига кириш ва назарий жихатдан ёритиб бериш. 2. Билимни чуқурлаштиришнинг ва муаммонинг долзарблиги. |

| | |
|---|---|
| | <p>3. Бирлашманинг асосий фондлар қолатини ўрганиш.</p> <p>3. Муаммонинг шаклланиши ва уни ечиш йўллари.</p> <p>4. Кейс – стадини гуруҳларда ечиш.</p> <p>5. Дискуссия орқали муаммоли ҳолатни ечиш ғояларини кўриб чиқиш.</p> <p>6. Энг муқобил вариантыни танлаш ва натижаларни презентация қилиш.</p> <p>7. Гуруҳларнинг ишлаш фаолиятини ва мақсадга эришилганлик натижаларини баҳолаш ва хулоса чиқариш.</p> |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> | Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳисоблаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ёритиб бериш. |
| <p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <p>Муаммоли ҳолатнинг хусусиятларини тавсифлаб ва таснифлаб беради:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Кейсда бирлашманинг фаолияти ва асосий воситалар ҳолати билан таништиради ва таҳлил қилади; • Муаммони ажратиш ва уни аниқлаб, ечиш кетма - кетлигини ишлаб чиқишни ўргатади; • Кейсда муаммонинг маълумотларини бошқарув ва ишлаб чиқаришни тизимини яхшилаш учун ҳисоб - китоблар ўтказадилар, ҳамда якуний хулосалар чиқарадилар; | <p><i>Ўқув фаолиятнинг натижалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - Бирлашманинг фаолияти ва ҳолатини ўрганган ҳолда муаммони аниқлайди ва корхонага таалукли муаммоларни тавсифлаб берадилар; - Муаммоли ҳолатнинг кўникмаларини ва унинг шаклидаги кичик муаммоларнинг иқтисодий асосланган ечимларини ишлаб топмоқ; - Бирлашманинг фаолиятини ҳисобга олган ҳолда муаммони ечилишнинг кетма – кетлигини аниқлайди; - Иқтисодий кўрсаткичлар билан ишлаш йўллари, башорат қилиш, статистик маълумотлар таҳлили билан ишлаб чиқариш йўллари оптимал вариантыни танлайди ва мазкур бирлашманинг асосий воситаларига бўлган муносабатларини аниқлайди; |
| <i>Ўқитиш услуби</i> | Кейс-стади услуби савол-жавоб, муаммоларни ечиш |
| <i>Ўқитиш шакли</i> | Амалий машғулотда фронтал ва индивидуал ишлаш, гуруҳларда ишлаш. |
| <i>Ўқитиш воситалари</i> | Маърузалар матни, ўқув дафтарлари, намоён материаллар (маърузачи томонидан презентация-слайд), лазер проектори, компьютер технологиялари, график органайзерлар |

| | |
|------------------------------|---|
| | (схемалар, расмлар, жадваллар), |
| <i>Ўқитиш шартлари</i> | Техник воситалар билан таъминланган гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория. |
| <i>Мониторинг ва баҳолаш</i> | мустақил ўрганиш учун саволлар берилади, уй вазифаси учун слайдлар тайёрлайди. |

Амалий машғулотнинг технологик картаси

| Ишнинг босқичлари ва вақти | <i>Фаолият мазмуни</i> | |
|--|--|---|
| | Ўқитувчи | Талаба |
| 1–босқич. Тайёрлов қисми (10 мин) | <p>1.1. Мазкур кейснинг мутахассислик йўналишига таъсирини тушунтиради ва таништиради;</p> <p>1.2. Машғулотнинг номини, ўтказиш жараёнини, режалаштираётган мақсад ва натижаларни эълон қилади.</p> <p>1.3. Ўрганиб чиқиш учун кейсга таалуқли қўлланмалар ва тарқатма материаллар тарқатади.</p> <p>1.4. Таклиф этилган «Қорақўл» бирлашмасининг фаолияти билан таништиради.</p> <p>1.5. Мустиқил ишлаш учун, ҳолатий таҳлил варақасини тарқатади.</p> <p>1.6. Гуруҳларда ишлаш инструкциясини тушунтириб ўтади.</p> | Тинглайдилар ва ёзиб оладилар |
| 2-босқич Асосий қисм (130 мин) | <p>2.1. Назарий ва амалий томондан таққосланган янги материални ўрганишнинг ташкил қилади. Бунинг учун қисқа тарзда бирлашмаларда асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳисоблаш борасида, қилинадиган ишлар ҳақида назарий жиҳатдан гапириб беради. Бу эса амалий машғулотнинг режасига асосланиб, экранда жадваллар, чизмалар, расмлар тариқасида кўрсатилади ва у шарҳланади.</p> <p>2.2. Бирлашманинг ҳолати билан музокарани ташкиллаштиради ва қуйидаги машғулотнинг асосий саволларига амалиёт билан боғлаган</p> | <p>Эшитадилар, конспектларда қисқа тарзда ёзиб борадилар.</p> <p>Саволлар жавоб</p> |

| | | |
|--|--|---|
| | <p>холда жавоб беради:</p> <p>1. «MUZIMPEKS» бирлашмаси бу даражага эришиш сабабларини айтинг ва у маркетингнинг қайси элементларидан доимий ҳолда фойдаланади?</p> <p>2. «MUZIMPEKS» бирлашмаси мақсадли сегментлари ҳақида гапириб беринг.</p> <p>3. «MUZIMPEKS» бирлашмаси шаклланаётганда қандай муаммоларга дуч келган?</p> <p>2.3. Талабаларни гуруҳларга бўлади ва гуруҳларда ишлаш жараёнини эслатади. Кейс билан ишлаш учун индивидуал ёки гуруҳларда ишлаш жараёни учун топшириқлар беради.(1-илова Жамоа ишлаб чиққан ҳолатий таҳлил варақасини тўлдирадилар, муқобил ғояларни танлаб оладилар ва баҳолайдилар.</p> <p>2.4. Ўқув фаолиятига маслаҳат беради ва йўналтиради. Индивидуал ва жамоа иш фаолиятини “ҳолатий таҳлил варақасини” текширади ва баҳолайди.</p> <p>2.5. Презентацияни ташкиллаштиради, муҳокама қилади ва ўзаро баҳолайди.</p> <p>2.6. MUZIMPEKS бирлашмасининг фаолияти тўғрисида саволлар беришни тавсия этади. Натижавий ҳолда «MUZIMPEKS» бирлашмаси вакилининг жавобларини машғулотнинг режасига мос равишда амалиётга боғланганлигини кенгайтириб хулоса қилади. Шу боисдан корхонанинг имкониятлари қандай ва келажакда фақат озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадими?</p> <p>йўлларини кўрсатади</p> <p>2.7. Жавобларни текшириб, баҳо беради ва муҳокама қилади. Муаммонинг таҳлили ва ҳолатнинг ечимига алоҳида эътибор беради. 2-илова)</p> <p>2.8. Кейснинг ўз ечим вариантини эълон</p> | <p>беришади ва дафтарларига ёзиб борадилар. Саволларни аниқлайдилар, муҳокама қиладилар ва тушунмаган жойларини сўрайдилар.</p> <p>Ўқув топшириқларни бажарадилар.</p> <p>Гуруҳлар натижаларнинг презентация қиладилар. Дискуссияда қатнашадилар, саволлар берадилар ва ўзаро баҳолайдилар.</p> |
|--|--|---|

| | | |
|--------------------------|---|--|
| | қилади ва намоёиш қилади. | |
| 3–якуний босқич (20 мин) | 3.1. Натижаларга якуний хулосалар қилади, талабаларнинг эътиборини асосий нуқталарга қаратадилар, хулосалар қиладилар ва баҳолайдилар. 3.2.«MUZIMPEKS» бирлашмасининг фаолиятини таҳлил қилиш талабаларнинг йўналишларига ва бўлажак касбларига таъсирини англадиб ўтади. 3.3. Мустақил таълим учун вазифа беради: Амалиётни назарияга боғлаган ҳолда бирон-бир корханани мисол қилинг ва бу семинар дарсида муҳокама қилинишини айтиб ўтади. | |

1-илова

Кейс билан ишлаш учун гуруҳларда ишлаш жараёни учун топшириқлар берилади:

1-гуруҳ.

Асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги 2019 йил кўрсаткичлари

| Кўрсаткичларнинг номи | Бошланғич қиймати, млн.сўм | | | | Эскириши, млн.сўм | | Қолдиқ қиймати, млн.сўм | |
|-----------------------------------|----------------------------|--------|-------|--------------------|-------------------|-------------|-------------------------|-------------|
| | Йил бошига қолдиқ | кири м | Чиким | Йил охирига қолдиқ | Йил бошига | Йил охирига | Йил бошига | Йил охирига |
| 1.Бино,иншоот, узатиш мосла-маси | 717,4 | 239,6 | 24,3 | | 229,0 | 265,0 | | |
| 2.Машина ва жиҳозлар | 265,0 | 49,8 | 32,3 | | 119,8 | 112,0 | | |
| 3.Транспорт воситалари | 74,4 | 51,3 | 2,5 | | 27,4 | 29,2 | | |
| 4.Ишчи ва маҳсулдор чорва моллари | 1383,7 | 1027,5 | 453,9 | | - | - | | |
| 5.Бошқа асосий фондлар | 65,6 | 1,4 | 2,8 | | 20,2 | 19,3 | | |

| | | | | | | | | |
|------|--|--|--|--|--|--|--|--|
| Жами | | | | | | | | |
|------|--|--|--|--|--|--|--|--|

2-гурух.

Асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги 2013 йил кўрсаткичлари

| Кўрсаткичларнинг номи | Бошланғич қиймати, млн.сўм | | | | Эскириши, млн.сўм | | Қолдиқ қиймати, млн.сўм | |
|-----------------------------------|----------------------------|--------|-------|--------------------|-------------------|-------------|-------------------------|-------------|
| | Йил бошига қолдиқ | кирим | Чиқим | Йил охирига қолдиқ | Йил бошига | Йил охирига | Йил бошига | Йил охирига |
| 1.Бино,иншоот, узатиш мосламаси | 747,4 | 229,6 | 23,3 | | 229,0 | 265,0 | | |
| 2.Машина ва жиҳозлар | 235,0 | 49,8 | 32,3 | | 119,8 | 112,0 | | |
| 3.Транспорт воситалари | 73,4 | 51,3 | 2,5 | | 27,4 | 29,2 | | |
| 4.Ишчи ва маҳсулдор чорва моллари | 1473,7 | 1027,5 | 453,9 | | - | - | | |
| 5.Бошқа асосий фондлар | 44,6 | 1,4 | 2,8 | | 20,2 | 19,3 | | |
| Жами | | | | | | | | |

3-гурух.

Асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги 2019 йил кўрсаткичлари

| Кўрсаткичларнинг номи | Бошланғич қиймати, млн.сўм | | | | Эскириши, млн.сўм | | Қолдиқ қиймати, млн.сўм | |
|---------------------------------|----------------------------|-------|-------|--------------------|-------------------|-------------|-------------------------|-------------|
| | Йил бошига қолдиқ | кирим | Чиқим | Йил охирига қолдиқ | Йил бошига | Йил охирига | Йил бошига | Йил охирига |
| 1.Бино,иншоот, узатиш мосламаси | 757,4 | 229,6 | 23,3 | | 229,0 | 265,0 | | |
| 2.Машина ва жиҳозлар | 255,0 | 49,8 | 32,3 | | 119,8 | 112,0 | | |
| 3.Транспорт воситалари | 75,4 | 51,3 | 2,5 | | 27,4 | 29,2 | | |
| 4.Ишчи ва | | | | | | | | |

| | | | | | | | | |
|-------------------------|--------|--------|-------|--|------|------|--|--|
| махсулдор чорва моллари | 1573,7 | 1027,5 | 453,9 | | - | - | | |
| 5.Бошқа асосий фондлар | 54,6 | 1,4 | 2,8 | | 20,2 | 19,3 | | |
| Жами | | | | | | | | |

4-гурух.

Асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги 2019 йил кўрсаткичлари

| Кўрсаткичларнинг номи | Бошланғич қиймати, млн.сўм | | | Эскириши, млн.сўм | | Қолдиқ қиймати, млн.сўм | | |
|-----------------------------------|----------------------------|--------|-------|--------------------|------------|-------------------------|------------|-------------|
| | Йил бошига қолдиқ | кири м | Чиким | Йил охирига қолдиқ | Йил бошига | Йил охирига | Йил бошига | Йил охирига |
| 1.Бино,иншоот, узатиш мосла-маси | 767,4 | 229,6 | 23,3 | | 229,0 | 265,0 | | |
| 2.Машина ва жиҳозлар | 265,0 | 49,8 | 32,3 | | 119,8 | 112,0 | | |
| 3.Транспорт воситалари | 84,4 | 51,3 | 2,5 | | 27,4 | 29,2 | | |
| 4.Ишчи ва махсулдор чорва моллари | 1673,7 | 1027,5 | 453,9 | | - | - | | |
| 5.Бошқа асосий фондлар | 64,6 | 1,4 | 2,8 | | 20,2 | 19,3 | | |
| Жами | | | | | | | | |

2-илова

Гуруҳларнинг ишлашини баҳолаш жадвали

| гурух | Баҳолаш мезонлари | |
|-------|--|--|
| | Презентация (мазмун, маъноси ва хулосаларнинг исботи учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қониқарли – 1 балл Қониқарсиз – 0,5 | Муаммоли масаланинг ечими учун (тўғрилиги ва ечимнинг кетма-кетлиги учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қониқарли – 1 балл Қониқарсиз – 0,5 балл |

| | | |
|---|--|--|
| 1 | | |
| 2 | | |
| | | |

| | |
|------------------------------|--|
| <i>Ўқитиш услуби</i> | Кейс-стади услуби савол-жавоб, муаммоларни ечиш |
| <i>Ўқитиш шакли</i> | Амалий машғулотда фронтал ва индивидуал ишлаш, гуруҳларда ишлаш. |
| <i>Ўқитиш воситалари</i> | Маърузалар матни, ўқув дафтарлари, намоён материаллар (маърузачи томонидан презентация-слайд), лазер проектори, компьютер технологиялари, график органайзерлар (схемалар, расмлар, жадваллар), |
| <i>Ўқитиш шартлари</i> | Техник воситалар билан таъминланган гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория. |
| <i>Мониторинг ва баҳолаш</i> | мустақил ўрганиш учун саволлар берилади, уй вазифаси учун слайдлар тайёрлайди. |

Гуруҳларнинг ишлашини баҳолаш жадвали

| Гуруҳ | Баҳолаш мезонлари | |
|--------------|--|--|
| | Презентация (мазмун, маъноси ва хулосаларнинг исботи учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қониқарли – 1 балл Қониқарсиз – 0,5 | Муаммоли масаланинг ечими учун (тўғрилиги ва ечимнинг кетма-кетлиги учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қониқарли – 1 балл Қониқарсиз – 0,5 балл |
| 1. | | |
| 2. | | |
| | | |

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1) Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

Мустақил иш – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изоҳловчи шаклларида бири саналади. Шу боисдан, конспектдан фарқли ўлароқ, мустақил иш янги, муаллиф матн саналади. Ушбу ҳолатда янгилик, янгича тақдим этиш, материалларни тартиблаштириш, ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштиришда алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

Мустақил иш - ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштириш ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишни талаб этадиган бир ёки бир қанча манбаларни ўзида мужассам этадиган ғояларни қисқача ёзма кўринишидаги тақдимотидир.

Мустақил ишнинг турлари ва тизими:

1.Ифодаланиш тўлиқлигича кўра:

- а) информатив (рефератлар – конспектлар);
- б) индикатив (рефератлар –резюме (қисқача мазмун)

2.Мустақил иш таркиби:

А) библиографик қайд этилиши:

- Ф.И.Ш.нинг номи;
- чоп этилган манзили;
- нашриёт, йил;
- саҳифалар сони.

Б) Мустақил иш матни:

- мавзу, муаммо, мустақил иш қилинадиган иш предмети, мақсади ва мазмуни;
- тадқиқот усуллари;
- аниқ натижалари;
- муаллиф хулосаси;
- иш натижаларини қўланиш соҳаси.

Ўқув фани бўйича мустақил иш тайёрлаш қўйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутати:

- Ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларини чуқурлаштириш, талаба томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий кўникмасини ҳосил қилиш;

- Танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш;

- Танланган мавзу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил, ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли хулоса ва таклифлар қилиш;

- Ёзма кўринишдаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўникмаларни ривожлантиришдир.

“Иқтисодий статистика”модулидан мустақил таълимни ташкил этишда қўйидаги шакллардан фойдаланилади: айрим назарий мавзуларни ўқув

адабиётлари ёрдамида ўзлаштириш; амалий машғулотлар учун топширилган мавзунини ахборот ресурс манбаларидан фойдаланган, расмий статистика маълумотларини тўплаган ҳолда бажариш.

Тингловчи мустақил ишни ташкил этишининг мазмуни “Иқтисодийнинг инновацион тараққиёти” модулининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидагиларга асосланиб тайёрланиши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

1) Мустақил таълим мавзулари.

“Иқтисодий статистика” модулидан мустақил таълим сифатида ўрганиладиган қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Иқтисодий статистиканинг предмети, усуллари ва асосий вазифалари.

2. Бозор иқтисодиёти даврида иқтисодий статистикада қўлланиладиган гуруҳлаш ва таснифлашлар, кўрсаткичлар тизими.

3. Миллий ҳисоблар тизими – иқтисодий статистиканинг асосий услуби, асоси ва марказий бўлими.

4. Аҳоли статистикаси.

5. Меҳнат бозори статистикаси.

6. Меҳнат унумдорлиги статистикаси.

7. Меҳнат ҳақи ва иш кучига сарфланган харажатлар статистикаси.

8. Миллий бойлик статистикаси.

9. Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодий фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.

10. Товар ва хизматлар бозори статистикаси.

11. Молия, нарх ва тарифлар статистикаси.

12. Ташқи иқтисодий алоқалар статистикаси ва тўлов баланси.

13. Миллий даромад ва миллий ҳисоблар тизимидаги бошқа даромад кўрсаткичлари.

14. Инвестициялар ва инвестицион фаолият статистикаси.

15. Аҳоли турмуш даражаси статистикаси.

VII. ГЛОССАРИЙ

| Атаманинг ўзбек тилида номланиши | Атаманинг инглиз тилида номланиши | Атаманинг рус тилида номланиши | Атаманинг маъноси |
|---|---|---|---|
| Арифметик ўртача | Arithmetic mean | Арифметическая средняя | шундай илмий қоидага асосланган ўртачага айтиладики, у билан белгининг айрим қийматларини алмаштирилса, уларнинг умумий йиғиндиси ўзгармаслиги ва тўпلام бирликлари сонига нисбатан пропорционал тақсимланиши зарур |
| Асосий фондлар | fixed assets | основные фонды | мамлакат миллий бойлигининг муҳим қисми. Улар ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта фойдаланиладиган ва ўз қийматини тайёр маҳсулотга аста-секин ўтказа борадиган активлар ҳисобланади |
| Аҳолини такрор пайдо бўлиши нетто коэффициенти | Re-formation of the net rates of population | Коэффициент нетто воспроизводство населения | бутун умри мобайнида бир аёл тукқан болаларининг онаси тукқан ёшигача яшаганларнинг ўртача сони. |
| Айланма маблағлар | Current assets | Оборотные средства | хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма фондлари ва муомала фондларини ташкил этувчи маблағлар. |
| Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш | Social Protection | Социальная защита | давлат томонидан аҳолига барча ҳаёт кечириш шарт-шароитларини яратиш учун мақсадли йуналтирилган кафолатлар тизими. |
| Аҳолининг реал даромадлари | The real incomes of the population | Реальные доходы населения | нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори, яъни, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати. |
| Бандлик | employment | занятость | меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва |

| | | | |
|-----------------------------|---------------------|--------------------------------|---|
| | | | ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти. |
| Банкрот | bankrupt | банкрот | хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла хажмда қондиришга ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги. |
| Барқарорлик | stability | стабильность | ҳодиса ва жараёнларнинг амал қилиши ҳамда ривожланишдаги ўзига хос муайянлик ҳолати |
| Бевосита инвестиция | direct investment | устойчивость прямых инвестиций | капитал қўйилмаларни инвестор томонидан тўғридан-тўғри инвестицион объектларга йўналтирилиши назарда тутилади. |
| Бизнес | Business | Бизнес | фойда олишга қаратилган (эҳтиёж ва муҳтожликни қондириш натижасида) тадбиркорлик фаолиятини англатади |
| Билвосита инвестиция | indirect investment | косвенное инвестирование | воситачи молиявий ташкилотлар орқали инвесторлар томонидан капитал қўйилмаларнинг қўйилиши тарзида ифодаланади. |
| Бозор конъюнктураси | market conditions | рыночные условия | муайян вақт мобайнида товарлар бозорининг ҳолатини тавсифловчи вақтинчалик иқтисодий вазият бўлиб, қуйидаги белгилар орқали аниқланади: ички ва ташқи савдодаги ўзгаришлар; ишлаб чиқариш ва қурилиш динамикаси; товар захиралари ҳаракати; нархлар динамикаси ва бошқалар. |
| Бюджет дефицити | budget deficit | бюджетный дефицит | бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ошиб кетиши натижасида вужудга келган тақчиллик |
| Глобал молиявий- | Global financial | Глобальный | жаҳон мамлакатлари |

| | | | |
|-----------------------------------|-------------------------------|------------------------------|--|
| иқтисодий бозор | market | финансовый рынок | ўртасидаги молиявий-иқтисодий алоқаларни ягона хўжалик тарзида амал қилишига асосланган муносабатлар. |
| Давлат бюджети | State budget | госбюджет | давлат даромадлари ва сарфларининг молиявий режаси. |
| Давлат инвестицияси | State investments | Государственные инвестиции | давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат фондлари ҳамда давлат корхоналари томонидан капиталлар қўйилишини ифодалайди. |
| Даромаднинг ички меъёри | Standards of internal revenue | Стандарты внутреннего дохода | инвестициядан пул оқимини, келажакдаги қийматини дисконт ставкаси билан белгиланган инвестицион маблағларни ҳозирги қийматига келтирилган аниқ бир инвестицион лойиҳанинг даромадлилик даражасини ифодалайди |
| Даромад солиғи | income tax | подходный налог | фуқароларни бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинадиган мажбурий тўлов (солиқ). |
| Даромад солиғи ставкалари | Income tax rates | Ставки налога на прибыль | Аҳоли даромадларидан табақалаштирилган ҳолда олинадиган солиқларнинг фоизлардаги даражалари. |
| Диверсификация | the diversification | диверсификация | (лотинчадан diversus- хар хил ва facere-қилмоқ, бажармоқ) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш. |
| Диверсификация стратегияси | diversification strategy | стратегия диверсификации | корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегиясидир. |
| Дивиденд | the dividend | дивиденд | акционерлик жамияти соф фойдасидан акция эгаларига тўланадиган қисми бўлиб, у |

| | | | |
|--|------------------------------|--------------------------------|--|
| | | | акционерларга нақд пул ёки акциялар билан тўланади. |
| Дисконтланган қоплаш меъёри | To cover the discounted rate | Для того, чтобы покрыть скидку | инвестицион лойиҳанинг амалга оширилишидан бошлаб, иқтисодий ижобий самарага эришгунга бўлган қисқа вақт интервали |
| Жаҳон банки | The World Bank | Всемирный банк | 1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан бир вақтда тузилган биринчи давлатлараро инвестиция институтидир. Банк ўзининг фаолиятини 1946 йил 25 июндан бошлаган |
| Институцион бирликлар | institutional units | институциональн ые единицы | активларга эгалик қилиш, мажбуриятлар олиш, иқтисодий фаолият юритиш ва бошқа бирликлар билан операциялар ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар. |
| Истеъмол | consumption | потребление | ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охириги фазаси, ижтимоий маҳсулотдан аҳолини иқтисодий талабларини қондириш жараёни |
| Истеъмол баҳолари индекси | Consumer price index | Индекс потребительских цен | истеъмол саватига киритилган товар ва хизматлар баҳосининг у ёки бу даврдаги ўртача ўзгаришини ифодаловчи индекс. У одатда Ласпейрес формуласи бўйича аниқланади. |
| Иш кучига сарфланган харажатлар | Labor expenses | расходы на рабочую силу | иш берувчилар томонидан иш кучини ёллаш ва уни асраш билан боғлиқ бўлган харажатлар йиғиндиси |
| Ишсизлик даражаси | The unemployment rate | Уровень безработицы | ишсизлар сонини иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати. 16 ва ундан юқори ёшдагилар, лекин ишга эга бўлмаганлар, фаол иш қидираётганлар, ишни бошлашга тайёр турганлар ишсизлар деб аталади |
| Иш ҳақи | Remuneration | зарплата | жорий даврда иш берувчи томонидан ёлланган ходимга бажарган ишлари учун берилган пул ёки натура усулидаги тўловлар бўлиб, |

| | | | |
|------------------------------------|------------------------------------|--|---|
| | | | улар ҳисобланган суммалар йиғиндисидан ташкил топади ва икки қисмга бўлинади: иш ҳаққи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар. |
| Ишлаб чиқариш | production | производство | маълум даврда алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар тармоқлар ва иқтисодий секторлар томонидан ишлаб чиқарилган мол ва хизматлар қиймати |
| Ишчи кучи бозори | Labor market | рынок труда | – иш кучининг эгаси ва иш берувчилар орасидаги ижтимоий муносабатлар тизими. |
| Иқтисодий фаол аҳоли | The economically active population | Численность экономически активного населения | ўз иш кучини товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун тақдим этган доимий аҳолининг бир қисми (аёллар, эркаклар) бўлиб, улар банд аҳоли ва ишсизларга бўлинадилар. |
| Иқтисодиёт активлари | The assets of the economy | активы экономики | объектлар бўлиб, уларга институцион бирликлар яқка ҳолда ёки жамоа бўлиб эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Уларнинг эгалари маълум вақт давомида уларга эгалик қилишдан ёки улардан фойдаланишдан иқтисодий наф кўрадилар. Иқтисодий активлар-молиявий ва номолиявий активларга бўлинади |
| Иқтисодиётнинг реал сектори | The real sector of the economy | Реальный сектор экономики | иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларини олади |
| Иқтисодий ночор корхоналар | Insolvent enterprises | Несостоятельных предприятий | муайян миқдорда капитал йўқотиш, ишлаб чиқариш майдонларининг қисқариши, ишсизлар сонининг ортиши, рақобатбардош бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва бунинг учун катта миқдорда материаллар, хом ашё, ёнилғи, меҳнат |

| | | | |
|---------------------------|---------------------|------------------------|--|
| | | | ресурслари сарфлайдиган қолоқ, самарасиз корхона |
| Йўриқнома | instructions | инструкция | (инструкция) деб кузатиш дастурида кўзланган белгиларни бир хил талқин этишва тушунишни таъминлайди-ган кўрсатмалар мажмуасига айтилади. |
| Кузатиш объекти | monitoring facility | объект наблюдения | бу ўрганилаётган ҳодисалар ва жараёнлар, яъни корхоналар ва ташкилотлар, хўжаликлар, кишилар, оилалар, уй хўжаликлари, ва ҳоказоларни уларнинг фаолияти жихатидан қаралган тўплами |
| Комбинацион жадвал | combinational table | комбинационная таблица | эга қисмида объектларни иккита ва ундан ортиқ белгилари асосида гуруҳлаш натижаларини акс эттирадиган жадвалдир |
| Мода | mode | мода | тўпланда энг кўп учрайдиган белги қийматига аталади. Дискрет қаторларда у энг кўп соҳиблар (варианталар) сонига эга бўлган варианта қиймати билан белгиланади. |
| Медиана | median | медиана | тўпламни тенг иккига бўлувчи белгининг қиймати тушунилади |
| Миллий бойлик | national wealth | национальное богатство | кишилик авлоди меҳнати туфайли ва фойдаланиш мумкин бўлган табиий бойликлар йиғиндисидан ташкил топади. Меҳнат натижасида пайдо бўлган ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларидан иборат ноз-неъматлар йиғиндиси миллий мулк деб аталади. |
| Миллий стандарт | national standard | национальный стандарт | муайян мамлакат миқёсида, халқаро стандарт эса-бутун жаҳон ёки мамлакатлар бирлашмаси миқёсида ҳодисаларни таснифлаш, кўрсаткичларни тузиш ва ҳисоблаш, маълумотларни қайд қилишда қўлланадиган умумий талаб, тартиб ва контсепциялар мажмуасидир. |

| | | | |
|-----------------------------|---------------------------|------------------------------|--|
| Мутлак кўрсаткичлар | Absolut index | Абсолютные показатели | ўрганилаётган ҳодисалар ва уларнинг белгиларини бир хиллигини, монандлигини, ўхшашлигини ифодалайди. Мутлак миқдорлар ҳодисалар ёки белгиларнинг кўлами, сони, ҳажми, даражаси, макон ва замонда тақсимланиш сонини ифодалайди |
| Масштаб | scale | масштаб | кўрсаткичларни текисликдаги тасвирий нисбатларга айлантирувчи шартли меъёрдир |
| Номинал иш ҳақи | Nominal wage | Номинальная заработная плата | пул формадаги иш ҳақи, фақат пул ҳажминини ифодалайди, унинг сотиб олиш қобилиятини ҳисобга олмайди |
| Оммавий ҳодиса | mass phenomena | массовые явления | бирор объектлар тўпламида содир бўлган воқеа, ҳаракат натижаси. |
| Оммавий жараён | mass events | массовые события | бу объектлар тўпламида содир бўлган воқеалар оқими ва унинг характери, уларнинг ривожланиш даражалари, тўплама ҳодисалар кечишидаги (ҳаракатидаги) ўзгаришлар |
| Резидент | resident | резидент | нисбатан узоқ вақт давомида ҳудудида иқтисодий қизиқиши бўлган институцион бирликлар (корхоналар, ташкилотлар, уй хўжаликлари ва ҳ.к.лар). |
| Статистика | Statistics | Статистика | оммавий ҳодиса ва жараёнларни аниқ вақт ва замонда сифат ҳамда миқдордан ажралмаган ҳолда ўрганади |
| Статистика услубияти | Statistical method | Статистический метод | оммавий ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда, намоён бўладиган қонуниятларни ойдинлаштиришда ишлатиладиган ўзига хос услуб, яъни статистика назарияси ва амалиётида қўлланадиган йўллар, усуллар, воситалар мажмуаси |
| Статистик тадқиқот | Statistical investigation | Статистическое исследование | иккита босқич ва бир неча фазалардан ташкил топади ва |

| | | | |
|-------------------------------|-------------------|---------------------------|---|
| | | | уларда ўзига хос усуллар қўлланади |
| Статистик кўрсаткичлар | Statistic indexes | Статистические показатели | statistical method маълум макон ва замон шароитида оммавий ҳодиса ва жараёнларнинг ҳолатини, ривожланишини, тузилишини, ўзаро боғланишларини ифодаловчи меъёрлар юритилади |
| Таснифлаш | Classification | Классификация | ўрганилаётган ҳодисаларни тартиблаш мақсадида уларнинг муҳим белгиларига қараб гуруҳларга, туркумларга ва ҳоказоларга ажратишдир. |
| Таққослаш | Compare | Сравнение | турли кўрсаткичларни айирма ёки бўлиш йўли билан ўзаро солиштиришдир |
| Фасет | bezel | Фасет | хар бир тасниф бирликларини номма-ном ёзиб чиқиш рўйхати |
| Ценз | qualification | Ценз | кузатиш объектини аниқловчи меъёр, белгилар тўпламидир |

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //”Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил 11 февралдаги (ПП-2298) “ўтган-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар бутловчи қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. www.lex.uz 11.02.ўтган

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. ПФ-2613-сонли Фармони. www.lex.uz 11.04.ўтган

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиззах” махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони / Халқ сўзи, ҳисобот йил, 19 март

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ангрен” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги Фармони. Халқ сўзи, 2012 йил, 14 апрель

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011 – ҳисобот йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. 2011 йил 29 июль

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-ўтган йилларда Ўзбекистон Республикасида саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи, 2010 йил 15 декабр.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги Қарори. 2010 йил, 23 март

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини кўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 2008 йил, 2 декабр

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 2008 йил, 19 ноябр

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 2008 йил, 4 декабр

II. Махсус адабиётлар.

1. James McClave, Terry Sincich Statistics. Textbook. USA. хисобот year.
2. Robert Jonsson Exercises in Statistical Inference with detailed solutions 1 st edition 2014 year.
3. Juha M. Alho and Bruce D. Spencer Statistical Demography and Forecasting 2005
4. Nabiyev X., Ayubjonov A.H., Sayfullaev S.N. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 324 бет.
5. Soatov N.M., X.Nabiev N.M., Nabiev D., Tillaxo'jaeva G.N. Statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 548 бет.
6. Статистика. Учебник. /Под ред. И.И. Елисейевой. – М.: Проспект, ҳисобот. – 448 стр.
7. Харченко Н.М. Экономическая статистика. Учебник. – М.: Дашков и К, ўтган. – 368 с.
8. Экономическая статистика. Учебник. / Под ред. Ю.Н. Иванова. – М.: ИНФРА-М, ўтган. – 736 стр.
9. Соатов Н. Статистика. Дарслик. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2003. – 743 бет.
10. Marcelo Fernandes Statistics for Business and Economics, USA, ўтган year-150 p.
11. Аюбжонов А.Ҳ., Маматкулов Б.Х., Сайфуллаев С.Н. “Статистика” фанидан амалий машғулотларни ўтказиш учун ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, ўтган. – 180 бет.
12. Улитина Е.В. и др. Статистика. Учебное пособие. – М.: Маркет ДС, ўтган. – 312 стр
13. Статистика. Практикум. Учебное пособие. / Под ред. В.Н. Салина. – М.: КНОРУС, 2014. – 496 стр
14. Аюбжонов А.Ҳ. “Статистика” фанидан ўқув услубий қўлланма. – Т.: ТДИУ, ҳисобот. – 145 бет
15. Теория статистики. Учебник. Под ред. Р.А.Шмойловой. – М.: Финансы и статистика, ўтган. – 655 стр.

16. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. ҳисобот. – Т.: Госкомстат Узбекистана. 2017. - 130 стр.

Интернет сайтлари

17. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.

18. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

19. www.stat.uz– Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти.

20. www.mf.uz– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.

21. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

22. www.minesonotm.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги сайти.

23. www.mehnat.uz – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг сайти.